

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги**

Термиз давлат университети

Тарих факультети

Ўзбекистон тарихи кафедраси

Муратова Гўзал Исматуллаевна

**“XIX аср охири XX аср бошларида Сурхон воҳаси
бекликларида миллий озодлик ҳаракатлари”
мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

**Бажарди: Тарих факультети 4-курс
талабаси Муратова Гўзал**

Илмий раҳбар: доц.Э.Қобилов

Термиз-2013 й

Мундарижа.

Кириш.....	3-10
I БОБ. XIX аср охири XX аср бошларида Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти.....	11-31
1.1. Россия мустамлакачилик сиёсатининг Сурхон воҳаси иқтисодий-ижтимоий ҳаётига таъсири	11-21
1.2. XIX асрнинг охири – XX аср бошларида синфий кураш. Дехқон хўжаликлари табақаланишнинг чуқурлашуви	22-31
II БОБ. XIX аср охири- XX аср бошларида Сурхон воҳасида норозилик чиқишлари ва мустамлакачиларга қарши миллий озодлик ҳаракатлари	32-58
2.1. Шарқий Бухоро бекликларида миллий озодлик ҳаракатлари	32-44
2.2. Сурхон воҳаси бекликларида миллий озодлик, норозилик ҳаракати	45-58
Хулоса.....	59-60
Адабиётлар рўйхати.....	61-64
Илова	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон халқлари қўлга киритган миллий истиқлол тарихимизга янгича қараш, уни адолат тарозиси билан баҳолаш имкониятини берди. Собиқ шўролар даврида ёзилган тарихий асарларда чор Россиясининг олиб борган босқинчилик сиёсати сохталаштриб талқин қилинди. Бугун ўша даврни, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихи яратиладими-йўқми! Совет даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман. Ўзгалар ёзиб берган тарихни ўқитишга мутлақо қаршиман Мустамлакачи ўзига қарам бўлган халқ ҳақида қачон холис, адолатли фикр айтган! Улар бор куч-ғайратини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар. Тарихдан жудо бўлиш нималигини яхши билсангиз керак. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш-ҳаётдан жудо бўлиш демакдир”¹. Мухтарам юртбошимиз таъкидлаган сўзлардан келиб чиқиб, тарихимизнинг хусусан Сурхон воҳасининг мустамлакачилик давридаги тарихини яратиш лозим. Бу даврни ёритиш орқали, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига тадбиқ этиш имконияти яратилади.

Бинобарин, мустақиллигимизнинг йигирма бир йили мобайнида тарихга хусусан ўтмиш тарихимизга янгича нигоҳ пайдо бўлдики, бу ўз-ўзидан янги тарихни яратишни кун тартибига қўйди. Айниқса, XIX аср охири – XX асрнинг бошларида эрк, озодлик учун олиб борган курашлари даври тарихини ўрганиш энг долзарб мавзу сифатида тарих фанига кириб келди.

¹ Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.—Т.: Ўзбекистон, 1999.—Б.10.

Мустамлакачиликнинг илк давриданок ўлканинг илғор ватанпарварлари Туркистоннинг оммавий талон – тарож қилинишига чек қўйиш учун курашга отландилар. Улар бу курашни турли усулларда маърифатпарварлик, тараққийпарварлик, шунингдек, қўлларига қурол олиб озодлик учун жанг қилдилар ва бу йўлда ҳалок бўлдилар.

Лекин аждодларимизнинг озодлик йўлидаги машаққатли курашлари ва тўккан қонлари мустамлакачилик йилларида холисона ва адолатли баҳоланмади. Сабаби, 130 йил давомида зўравонлик билан онгимизга, ҳаётимизга сингдирилган мустамлака мафкуриси Ўзбекистоннинг барча жабҳаларида, айниқса, маориф, илм – фан ва маданиятда ўзининг асорати ва иллатларини қолдирди. Бу иллатлар тарих фанининг ҳам “жон – жонига” сингиб, ўтмишимизни сохталаштирилишига, ҳусусан, эрксевар халқимизнинг “оқ” ва “қизил” империя истибдодига қарши олиб борган озодлик курашларининг атайлаб бузиб талқин қилинишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ўтмишимизни бугунги давр талаби нуқтаи назаридан ҳаққоний ва холисона ёритиш айниқса, Х1Х аср охири - ХХ аср бошларидаги мустамлака тузумига қарши миллий озодлик ҳаракатлари тарихини ҳудудлар ва вилоятлар мисолида атрофлича ва чуқур ўрганиш нафақат илмий балки ижтимоий – сиёсий ва маънавий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, Х1Х аср охири – ХХ аср бошларида содир бўлган озодлик ҳаракатлари тарихини Сурхон воҳаси мисолида ўрганиш ўта долзарб эканлиги аён бўлди.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Х1Х асрнинг иккинчи ярми – ХХ аср бошларида мамлакатимизда содир бўлган озодлик ҳаракатлари тарихига оид кўплаб асарлар, тўплам, рисола ва мақолалар нашр қилинган. Аммо Сурхон воҳаси аҳолисининг олиб борган кураши мазкур асарларда қисқача сатрларда ифодаланди. Умуман бу давр адабиётларни уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи гуруҳга чоризм мустамлакачилиги даврида, иккинчи гуруҳга советлар ҳукмронлиги йилларида ва учинчи гуруҳга Ўзбекистоннинг мустақиллиги даврида эълон қилинган асарларни киритиш мумкин.

Биринчи гуруҳга оид дастлабки мақолалар ва асарлар мустамлака йилларида нашр қилинган бўлиб, улар асосан рус олимлари – М.А.Терентьев, В.Салков, К.Тимаев, Н.Остроумов, А.Добромыслов, В.Наливкинлар қаламига мансубдир. Бу ишларда асосан 1892 йили Тошкентда бўлган “вабо исёни” ҳамда 1898 йилдаги Андижон кўзғолони ҳақида фикр юритилган. Д.И.Логофет асарларида 1902 йилда Деновда кўтарилган кўзғолон ҳақида эслатиб ўтилгани ҳолда, кўзғолон сабаблари ҳақида маълумот берилмайди². Умуман бу даврда ёзилган асарларда кўзғолонлар тафсилотлари атайлаб бузиб талқин қилинганлиги ва чоризм маъмуриятининг бу кўзғолонлар ҳақидаги талқинни қўллаб – қувватланганлиги яққол кўзга ташланади.

Иккинчи гуруҳ совет даври адабиётларида XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида бўлиб қтган халқ озодлик ҳаракатлари тарихи турли даражада ўз аксини топган. Бу давр адабиётларининг аксарияти 1916 йилги халқ кўзғолонига бағишланган бўлиб, 1892 йилги Тошкентдаги “вабо исёни” ва 1898 йилдаги Андижон кўзғолони тарихига ҳам эътибор берилган. Сабаби, ўлкада халқ кўзғолонларига сиёсий-мафкуравий ва синфий ёндашув оқибатида Тошкент ва Андижон кўзғолони тарихига кам эътибор берилган. Сабаби, ўлкада бўлган халқ кўзғолонларига сиёсий-мафкуравий ва синфий ёндашув оқибатида Тошкент ва Андижон кўзғолонлари большевиклар “андозасига” тўғри келмаган ва бу кўзғолонларга “феодал-клерикал” йўналишдаги ҳаракатлар деб баҳо берилиб, эътибордан четда қолдирилган. 1916 йилги кўзғолон ҳақидаги биринчи илмий иш 1924 йилда Т.Рискулов томонидан ёзилган. Унда муаллиф ва кўзғолонни мустамлакачиликка қарши умумхалқ ҳаракати ва революцион кураш деб

² Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. – СПб., 1911. – С.164.

баҳолайди. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашув унинг 1927 йилда нашр қилинган иккинчи мақоласида ҳам ўз ифодасини топган.

30 – 40 – йилларга келиб тарих фанида холислик ўрнига “социалистик инқилоб”нинг қонуний жараён эканлиги ғояси асосий ўринга чиқди. Шунингдек, бу даврда сиёсий қатағонларнинг авж олиши натижасида тарихни сохталаштириш, Ленин, Сталин шахсларига сиғиниш ва большевиклар фирқасининг мавқеини кўтариш оммавий тус ола бошлади. Натижада, мафкуравий тазийқ кучая борди. Бу жараён илмий тадқиқот ишларига, жумладан, тарих фанига ўзининг таъсини ўтказди. Оқибатда, бу йилларда нашр қилинган А.В.Шестаков, Ю.Фелкс, З.Д.Костельская, И.К.Додонов, А.Г. Зима, П.П.Миронов, Э.Мавлоний каби муаллифнинг асар ва илмий мақолаларида 1916 йилги халқ ҳаракатига коммунистик мафкура нуқтаи назаридан баҳо берилди.

Лекин 30 – 40 йилларда 1916 йилги қўзғолон тарихига оид йирик илмий асарлар яратилмади. Фақатгина 1916 йилги қўзғолонга доир архив манбалари асосида алоҳида хужжатлар тўпламлари ва қўзғолон қатнашчиларининг хотиралари нашр қилинди, холос. 1936 йилда Ф.Хўжаев мафкуравий тазийқларнинг кучайтирилганлигига қарамасдан, 1916 йилги қўзғолоннинг 20 йиллигига бағишланган маърузасида қўзғолоннинг моҳияти ва йўналишини тўғри очиб беришга ҳаракат қилган.

50 – 60 – йилларда Н.Халфин, А.Ф.Якунин, О.К.Кулиев, О.Д.Чехович, Т.Е.Елеуов сингари тарихчиларнинг 1916 йилги қўзғолон тарихини ёритишга бағишланган ишлари чоп этилди. Бу тадқиқотлар 1916 йилги қўзғолон тарихини ўрганишга қўшилган ҳисса бўлса-да, лекин уларда қўзғолоннинг моҳияти ва йўналиши нотўғри баҳоланди. Туркистон халқларининг 1916 йилги қўзғолони мустақилликни тиклашга қаратилган кураш эканлиги инкор этилди.

Ўрта Осиё республикаларида марказ томонидан 1951-1954 йиллар давомида атайлаб уюштирилган илмий конференцияларда олға сурилган сохта

“янги илмий ғоя” асосида Х.Т.Турсунов, А.М.Аминов, А.Х.Бобохўжаевлар ўзларининг илмий асарларини нашр эттирдилар. Бу асарларда тарих фанидаги мафкуравий “янги йўналиш”нинг илмий жиҳатдан “мутлақ тўғри” эканлигини исботлашга ҳаракат қилинган.

Бу йилларда Ўзбекистон тарихи фундаментал асарининг иккинчи жилди туркистоннинг чоризм мустамлакачилиги даврига бағишланган бўлиб, унда ижтимоий – иқтисодий ва маънавий соҳаларга кенг эътибор берилиши билан бирга, Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинганлиги хаспўшланиб, 1916 йилги Жиззах қўзғолони “реакцион” ҳаракат сифатида талқин қилинди.

70 – йиллардан бошлаб Ўзбекистон шаҳарлари тарихини ўрганишга биринчи бор қўл урилди. Тошкент, Бухоро, Самарқанд каби қадимий шаҳар тарихига оид йирик илмий асарлар яратилди. Жумладан, Сурхон воҳаси тарихини ўрганиш борасида илк илмий татқиқот ишларига қўл урилди. 80 – йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган қайта қуриш сиёсати совет жамиятига бир оз бўлсада. Демократик жараёнларнинг кириб келишига, мафкуравий тазийқлар ва цензуранинг қисман пасайишига олиб келди. Натижада, тоталитар тузум йилларида атайлаб бузиб кўрсатилган тарихимиз, айниқса чоризм томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниши ва миллий озодлик ҳаракатлари масаласида жиддий мунозаралар бўлди. Сурхон воҳасида содир бўлган халқ ҳаракатлари Мухсинова К.З., К.З.Хакимова, К.З.Кравец, К.Шаниязовлар томонидан ёзилган асарларда ёритиб беришга ҳаракат қилинди³.

Учинчи гуруҳга Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг яратилган тадқиқотларни киритиш мумкин. Ўтган йигирма бир йил мобайнида тарихчи олимлардан Х.Н.Бобобеков, Ғ.А.Ахмаджонов, Ф.Б.Исҳоқов, Ҳ.З.Зиёев, О.Суюнова, С.Жалилов, Н.А.Абдурахимова, Г.Рустамова, О.С.Содиқов,

³ Мухсинова К.З. Документы о крестьянских движениях в Бухарском ханстве в 80-е гг. XIX в. – Ташкент, 1965.; К.З.Хакимова, К.З.Кравец” Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане”. – Т.: Фан, 1980. – 176с.; Шаниязов К. Узбеки-карлуки. – Ташкент, 1964. – С.136.

Б.Ш.Шомамбетов, Д.Х.Зиёев, С.Турсуновларнинг асарлари эълон қилинди. Бу асарларда чоризмнинг босқинчилик ва мустамлака бошқарув тизими ва унинг моҳияти, миллий – озодлик ҳаракатлари, шунингдек империянинг ўлкамизда олиб борган иқтисодий, маданий соҳаларидаги ишларининг мустамлакачилик қирралари ҳолисона очиб берилган.

Чоризм империясининг босқинчилиги, мустамлака сиёсати, маҳаллий халқнинг ижтимоий – иқтисодий аҳволи ва халқ озодлик ҳаракатлари, жумладан, Намоз Пиримкуловбошчилигидаги норозилик чиқишлари, 1892, 1898 ва 1916 йилги кўзғолонлар янги манбалар ва янгича ёндашув асосида Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази олимлари томонидан яратилган фундаментал асарда ўзининг ҳолисона ифодасини топган.

Кейинги йилларда тарихчи ва демограф олимлар ҳамкорлигида Ўзбекистондаги тарихий – демографик жараёнлар ўрганилди. Сурхон воҳаси тарихи бўйича бир қатор илмий асарлар яратилди⁴. Аммо, Сурхон воҳасида содир бўлган халқ кўзғолонлари эса бу асарларда шунчаки эслаб ўтилган, ҳолос. Кўриниб турибдики Сурхон воҳаси аҳолисининг мустамлакачиларга қарши олиб борган узоқ йиллик озодлик курашлари тарихи ҳалигача махсус ўрганилмаган.

Мавзунинг мақсад ва вазифалари. Миллий истиқлол ғояси талабларидан келиб чиқиб XIX аср охири – XX аср бошларида Сурхон воҳасида Россия империяси ўрнатган тузум ва мустамлака сиёсати, унга қарши халқ озодлик ҳаракатлари жараёнларини илмий жиҳатдан таҳлил этиш тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар ишнинг вазифалари сифатида белгиланди:

⁴ Турсунов С.Н., Қобилов Э., ва бошқ. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент, Шарқ, 2001; Сурхондарё тарихи. – Тошкент, Шарқ, 2004; Турсунов С. Шерободликлар. – Тошкент, 2006; Турсунов С., Т. Турдиев. Денов – Тошкент. Фан, 2009.

- Бухоро амирлиги ва Россия ҳукумати таъсири остида бўлган Сурхон воҳасида содир бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнларни кўрсатиб бериш;
- Бухоро амирлиги ва Россиядаги сиёсий аҳвол. Туркия, Афғонистон ва бошқа Шарқ мамлакатларидаги сиёсий воқеаларнинг воҳага Туркистон бўлган таъсир даражасини кўрсатиш;
- мавзуга оид хужжатли манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида олинган хулоса ва сабоқлардан келиб чиққан ҳолда миллий – озодлик ҳаракатлари тарихини ўрганишни янада такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар бериш.

Малакавий битирув ишининг назарий-методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, маъруза ва суҳбатлари, тарих фанига оид билдирган фикр – мулохазалари, “тарихий хотира”нинг зарурлиги ҳақидаги концептуал қарашлари, тарих жараёнларини ўрганишнинг назарияси ва амалиёти ҳақидаги кўрсатмалари, тарихий ҳақиқатни англашда цивилизацион ёндашувнинг муҳимлиги, умуминсоний ва миллий қадриятлар пойдеворида шаклланган миллий истиқлол ғояси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг тарих илмига ва унинг тараққиётига оид қабул қилган фармон ва қарорлари ташкил этади.

Малакавий битирув иши тарихийлик, илмийлик, холислик, қиёсий таҳлил, изчиллик, узвийлик ҳаққонийлик миллийлик каби методологик тамойилларига асосланади.

Малакавий битирув ишининг илмий янгилиги. Илк марта манбаларга таянилган ҳолда Сурхон воҳаси аҳолисининг миллий озодлик ҳаракати тарихи ўрганилди.

Малакавий битирув ишининг илмий-амалий аҳамияти. Илмий ишда баён этилган илмий изланишлар, қўлга киритилган маълумотлар, хулосалар ва умумлашмалар ўлкамизда XIX аср охири – XX аср бошларида юз берган

озодлик ҳаракатлари тарихини янада чуқурроқ ва холисона ўрганишга, озодлик учун курашган ва бу йўлда жонини фидо қилган шахслар номларини қайта тиклашга, уларнинг ҳаётини ва фаолиятини кенгроқ ёритишга ёрдам беради.

I Боб. XIX аср охири XX аср бошларида Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти

1.1 Россия мустамлакачилик сиёсатининг Сурхон воҳаси иқтисодий-ижтимоий ҳаётига таъсири.

Чоризмнинг Сурхон худудларини босиб олишдан кўзда тутган асосий мақсади-иқтисодий манфаат бўлиб, рус саноатчиларининг хом-ашёга бўлган эҳтиёжини жадаллик билан қондиришдан иборат эди. Бинобарин, у даставвал воҳада суғориш тизимини яхшилашга диққатини қаратди. Тарих саҳифаларидан шу нарса маълумки чоризмнинг Ўрта Осиёни босиб олишдан кўзлаган асосий мақсадларидан бири пахта хом ашёси масаласидир. Россия саноатига XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб хом-ашё, яъни пахта толаси келмай қўйган эди. Чунки 1862-1865 йилларда АҚШда фуқаролар уруши бўлиб, 90% Америка пахтаси билан ишлайдиган Россия тўқимачилик саноати инқирозга учради⁵. Мана шу сабабли Россия келажакда Ўрта Осиёни истило қилишдан кўзлаган мақсадини Россия империясининг давлат мулклари ва зироатчилик вазири А.В.Кривошеин шундай баён этган:” Бу марказий масалада уч мақсад мавжуд: агар биринчисида ярқираб турган ёзув ”пахта” бўлса, иккинчисида “ суғориш”, ниҳоят,учинчисида, унча кўзга ташланиб турмаган бўлса ҳам, аслида ҳаммасидан муҳими – русларни кўчириб келтириб жойлаштириш масаласи турибди”⁶

” Туркистоннинг асосий пахта базаси бўла олишини режалаштириб қўйган эди.1862 йил матбуотда чиққан мақолада „Россиянинг Ўрта Осиё билан қиладиган алоқасидан оладиган фойдаси шу даражада қоплайди”,-деб

⁵ Кобулов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги.–Тошкент:Академнашр,2012.–279б.

6.КривошеинА.В. Записка главноуправлявшего землеустройством и земделием о поездке в Туркестан.–СПб.,1912.–С.3-5.

ёзилган эди. Чор амалдорлари туб ерлик аҳолини пахта етиштиришга қизиқтириш учун пахта нархини оширадилар. Агар 1860 йили 1 пуд пахта 4-6 рубль бўлган бўлса, 1861 йили 7 рубль 50 тийин, 1862 йили 12-13 рубль, 1864 йили 24 рублни ташкил этади⁷. Пахта нархининг оширилиши натижасида пахта майдонлари ҳам кенгайиб кетади.

Минтақамиз қишлоқ ҳўжалиги Россия бозорининг талаб-эҳтиёжига мослашиб, ўз характерини ўзгартира бошлайди. Бундай ҳолатнинг юзага келишига рус коланизаторларининг олиб борган сиёсати ҳам таъсир кўрсатади. Буни чор амалдорларнинг қуйидаги фикрларидан ҳам билишимиз мумкин. „Ҳар бир пуд Туркистон пахтаси рус ва Сибир буғдойига рақобатдир. Ҳар бир пуд Туркистон пахтаси Америка пахтасига рақобатдир, шунинг учун ўлкагаша ташиб келтирилган ва қиммат нон бериб бўлсада, у ердаги суғориладиган майдонларни пахта экиш учун бўшатиш керак“⁸.

Ўлкамизнинг суғориладиган ерларида беда, маккажўхори, шоли ва шу сингари бошқа экинлар камроқ экилиб, пахта майдонлари кенгайиб боради. Агар минтақада 1894 йили 116452 десятина ерга пахта экилган бўлса, 1916 йилга келиб келиб 533661 десятина ерга пахта экилади. Бутун Ўзбекистон худудида бўлгани сингари Сурхондарёда ҳам пахта майдонлари кенгая боради ва пахта ҳосилдорлиги ортади. Буни биз Сурхондарё орқали пахта ташиб кетилишининг ошиб борганидан ҳам билишимиз мумкин. Агар 1908 йили 17000 пуд пахта ташиб кетилган бўлса, бу 1910 йили 34000, 1911 йили эса 60000 пудни ташкил этади⁹.

Рус чоризими воҳада пахтачиликнинг тўхтовсиз ўсаётганлигини ҳисобга

⁷ Турсунов С.Н., Қобилов Э. ва бош. Сурхондарё тарихи.—Тошкент, Шарқ. 2004.—2016.

⁸ Шу ерда.

⁹ Мирзаев З., Қобулов Э. Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи.—Термиз: Жайхун. 1996.—96.

олиб, Сурхондарёнинг ўзида майда бўлса ҳам, пахтани қайта ишлайдиган заводлар қуришга алоҳида эътибор берди. Пахта тозалаш корхонаси қуриш истаги бор, маҳаллий бойлар рағбатлантирилди. Термизда пахта тозалаш заводи қурушни мўлжаллаган бойлардан бири ака-ука Матчинбоевлардир. Улар мўл ҳосил олиш учун ҳар томонлама қулай имкониятлар, яъни ернинг унумдорлигини, иссиқликнинг етарлилигини, суғориш ишлари бирмунча бўлса-даяхшилигини савдо йўллари қулайлигини, пахтага талабнинг катта эканлигини ҳисобга олиб ўз бойлигининг бир қисмини Термиз пахта тозалаш заводини қурушга ажратди. Завод қурулиши ҳақида заводнинг ветеран ишчиларидан бири Боймурод Жўраев шундай ҳикоя қилади: „Завод қурулиши 1905 йилдан бошланган. Лекин малакали қурувчиларнинг бўлмаганлиги сабабли қурулиш узоқ чўзилган¹⁰.”

Мачинбоевлар бойлик манбаи бўлган завод қурилишини тезлаштириш учун бутун имкониятларини ишга солганлар. 1909 йилдан бошлаб қурулиш ишлари тезлашган. Заводни қуришда шахсан иштирок етган, кекса ишчилар сулоласининг вакили, фуқаролар уруши иштирокчиси Афанасий Скоков шундай хотирлайди: „Мен 1907 йили Ростовдан Керкига келдим. Бу ерда Хива туркманларидан бўлган, Керкининг катта бойларидан бири ака-ука Матчинбоевларга ёлланиб ишга кирдим. Биз бир неча ишчи Абдулла Матчинбоевга ҳашаматли уй қуриб бердик. Абдулла Матчинбоевнинг бир укаси Термизда яшар еди. Биз уйни қуриб бўлгач, 1909 йилнинг охири ойларида Термизга келдик. Бу ерда Матчинбоевларнинг пахта тозалаш заводини қурушга киришдик. Қурулишда ишлаётганларнинг кўпчилигини ўзбеклар ва тожиклар ташкил қиларди. Рус ишчилари фақат 6 киши эди. Иван Сумский, Сергей Фродов Андрей Анишевский шулар жумласидандир. Рус, ўзбек ва тожиклар ўзаро иноқ яшардик . Иван

¹⁰ Ўша ерда, 10-бет.

Сумиский билан мен 60 от кучига эга бўлган буғ машинасини ўрнатдик. Бундан ташқари заводда бир дизель ҳам бор эди унинг қуввати 50 от кучига тенг эди. Завод қурулиши 1910 йил битди ва ишга туширилди¹¹.”

Термиз пахта тозалаш заводи 1910 йилда иш бошлагани Термизда узок йиллар яшаган ва пахта тозалаш заводининг хўжайини бўлган Матчинбоевларни яхши таниган ва билган 100 ёшли марҳум мўътабар онахон Чучук момо Жўраева ҳам тасдиқлайди. Мана шу тариқа ўлкамизда илк саноат корхонаси вужудга келган. Мазкур корхона нафақат вилоятимизда балки Туркистондаги кекса корхоналардан бири ҳисобланади. Матчинбоевнинг пахта тозалаш заводи энг оддий асбоб- ускуналар билан жиҳозлаган эди, ўрнатилган буғ машинаси қамишлар ва янтоқларни ёқиш ҳисобига ҳаракатга келар эди. Унинг бир йилда таёрлаган ьаҳсулотини 1972 йилда завод 3 кун 3соатда ишлаб чиқган эди¹². Чунки завод кўпроқ ишчи ишлатишга ҳали имкони йўқ эди ва шу билан бирга Матчинбоевлар кам киши ишлатиб кўп фойда олишда манфаатдор эди. Завод бир йилда бор йўғи 6 ой ишлаб қолган пайтлари иш бўлмаган. Пахтани заводга етказиб берувчи узатиш апарати бўлмаган, пахта ишчиларнинг елкасида ташилган. Пахтани трамбовкалашни ҳам ишчиларлопаткалар билан ва енли таёоқлар ёрдамида бажарганлар. Заводда бор йўғи бжин аппаратдан фойдаланилган. Завод оддий асбоблари билан йилига 14400 килограмм пахта толаси ишлаб чиқарган. Хавфсизлик техникаси ва меҳнатни муҳофаза қилиш корхона егасининг хаёлига ҳам келмасди. Ишчилар орасида бахтсизлик ҳамиша ҳукумрон эди. Ишчиларнинг оғир аҳволда ишлашини гоҳо ахборотларда ҳам эътироф қилинади. Масалан: „Туркистанский курьер” газетасининг 1909

¹¹ Ленин байроғи, 1960, 6 ноябрь

¹² Мирзаев З., Қобилов Э. Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи. – Термиз, Жайхун, 1996. – 116.

йил 12 декабрдаги сонида босилган мақолани фикримизнинг исботи сифатида Термиз пахта тозалаш заводининг ишчилари турмушига тадбиқ этишимиз мумкин. Унда қуйидаги сатрларни ўқишимиз мумкин: „Агар сиз ишчиларнинг аҳволи билан танишишга қизиқсангиз, деярли ҳамма заводларда қуйидаги бир хил аҳволни учратасиз:

1.Ишчиларнинг ётоғи учун заводдан ёки омборларнинг биридан жой ажратилган.

2. Бу жойлар ёритилмайди ва иситилмайди.

3. Ҳамма жойда суткасига 12 соатдан ишлайдилар.

4. Завод биноси, машинабўлими чидаб бўлмайдиган даражада чанг.

5.Завод биносида фақат

3-4 та шамчирок фонарь бўлиб, буни ёритиш деб аталади. Натижада ишчилар бутун завод ичида қоронғида пайпаслаб ва чанг ҳавони филтрация қилиб нафас олиш учун бир парча пахта тишлаб юардилар.

6.Маҳаллий миллат ишчилар завод тўхтаб қолганида двигательларни ишга солиб, мойлаб турадилар, чунки би ишни бажарувчи махсус хизматчилар йўқ”.

Бу мудҳиш аҳволнинг натижаси яққол кўриниб турубди, ҳар куни бирор завод ишчилари бахтсизликка учратиб қаттиқ шикаст ейдилар, баъзан эса ҳалок бўладилар. Термиз пахта тозалаш заводида ишчилар учун қандай шароит яратилганини кекса ишчи Афансий Скоков хотираларидан ҳам билишимиз мумкин. У шундай ҳикоя қилади: „Иш оғир, ишчиларга ҳеч қандай шароит яратилмаган эди. Техника ҳафсизлигига сира эътибор берилмасди. Матчинбоевларнинг мақсади ишчиларни янада кўпроқ ишлатиб бойлик орттириш эди. Пахта заводида 12-14 соат ишлардик. Бизга кам ҳақ тўланарди. Рус ишчиларга ойига 50-55 сўм, ўзбек ва тожикларга 12-20 сўм иш ҳақи бериларди. Бу ерда 15-16 ёшдаги ўсмирлар ҳам катталар

қатори ишлатиларди. Улар эса ой сайин 7-8 сўм олишарди. Олган ойлик турмуш кечириришимизга етмасди¹³.” Ишчиларнинг ишлаб чиқарадиган маҳсулоти жуда кам эди. Сабаби

Корхонанинг техник жиҳозланиши паст даражада бўлишлиги ва иш шароитининг ниҳоятда оғирлиги. Термиз шаҳри ҳаётида маълум ўзгаришлар юз бера бошлади. Амударёнинг ўнг қирғоғида бир-бири билан ёнма-ён жойлашган Термиз ва Паттакесар манзилгоҳлари: биринчи галда ҳарбий истехком вазифасини ўтайди, қаъла деворлари атрофида бир қаторда шахсий уйлар ва савдо шаҳобчалари жойлашган (Кушка шаҳридаги каби). Иккинчидан эса ҳарбий истехком деворлари билан тутшиб кетадиган шаҳар қисмига бўлинади.

Термиз райони ҳудуди 11600 десятирани ташкил этиб, шундан 9935 десятина ер бевосита Россия мулки ҳисобланади. Қолган 1655 десятина ер ҳам русларнинг таъсир доирасига кирсада, Паттакесар, Солиҳ-Обод, Мангузар каби маҳаллий қишлоқлар аҳолисининг шахсий мулклари ҳисобланади. Паттакесар ҳудуди 683 дес.ни, қолган қишлоқлар ер майдони эса 982 десятирани ташкил этади.

1900 йилда Ҳарбий Инженер маҳкамасига Бухоро амири томонидан 630 8395 6605 кол кр ажратиб берилди. Маҳкама бу ҳудудлардаги иригация тармоқларини тартибга солиш ва янгиларини қуриш учун 160-170 минг рубул маблағ сарфлаган бўлсада, шу вақтгача на махсус-ҳарбий ва на мустамлакачилик характеридаги эҳтиёжлар учун бу ҳудудлардан фойдаланилаётгани йўқ. Ҳозирги вақтга келиб, Бухоро амири томонидан ажратиб берилган ернинг 2462 $\frac{1}{2}$ десятинаси шундан 682 дес. Суғориладиган, 1780 $\frac{1}{2}$ дес ер эса суғорилмайдиган хусусий тадбиркорларга

¹³ Мирзаев З., Қобилов Э. Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи.— Термиз, Жайхун, 1996.—126.

бир йил мудатга 27979 рубл эвазига ижарага берилган. Бундан ташқари, сувдан фойдаланганлари учун аҳолидан йилига 1200-1500 рубл маблағ давлат ғазнасига келиб тушади¹⁴.

Чор Россияси Термизда кичик бўлсада саноат корхоналари қуришга эътибор қаратди. Савдо ва саноат корхоналари сони 28 тага етди. Матчонбоевнинг пахта тозалаш заводи, рус савдогарлари Гусев ва Блиновнинг манфактуралари, Ананьевнинг совунгарлик-ёғ ишлабчиқариш заводи, Ахназаров, Азатьянц ва Малхазовларнинг манфактуралари, Нобел керосин ташкилоти шулар жумласидандир¹⁵.

Шеробод воҳаси ерларини эгаллаб олиш, катта пахта монополиясини вужудга келтириш мақсадида кўплаб мутахассислар жалб этилади. Айниқса, ҳарбий муҳандис А.Г.Ананьев бу борада бир қатор ишлар қилади, у ўзининг „Шеробод воҳаси ерларини Сурхон сувлари ёрдамида суғориш“ лойиҳаси орқали русларнинг қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачилик ривожига ва истиқболларини асослаб берди¹⁶.

Воҳада саноат ва қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар мазкур тармоқлар билан боғлиқ фанни, билимни, табиатни, халқлар тарихини, тилларини ўрганишни тақозо этади. Бу соҳалар ҳам Россия имперяси мустамлакачилик сиёсатининг объекти бўлиб қолди. Ўрта Осиё Россия чоризми томонидан босиб олинган пайтда унинг халқларнинг маданий даражаси, саводхонлик даражасидан унчалик катта тафовут қилмаганди. Ўрта Осиё халқларининг ҳар бири ўзига хос бой миллий маданиятга маҳаллий халққа яқин бўлган ва унинг иқтисодий, ижтимоий ҳаёти турмуш тарзини ифодалаган ўзига хос маданиятига эга эди. Гап шундаки, Европада фан, маданият тараққий

¹⁴ Бердиев Б. Бухоро амирлигидаги рус манзилгоҳлари ва улардаги аҳоли. Термиз 2010, 158-160б.

¹⁵ Қобулов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги. – Т.: Академнашр, 2012. – 336-337б.

¹⁶ Ананьев А.Г. Шеробод воҳаси ерларини Сурхон сувлари ёрдамида суғориш лойиҳаси. – Тошкент: Шарқ, 2002. –

топмаган XVI асрларда Ўрта Осиё халқлари орасидан Абу Али ибн Сино, ал – Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий сингари минглаб буюк олимлар, шоирлар, мутафаккирлар етишиб чиққан бўлиб, уларнинг номлари дунёга машхур эди.

Европа маданияти хусусан рус маданияти ана шу буюк алломаларнинг таъсири остида ривожланган эди. Хуллас, Ўрта Осиё халқлари жахон маданиятига ўзларининг катта хиссаларини қўшиб келган эди. Бу маданий мерос ғоят қимматли бўлиб маданиятсизлик эса унга қимматга тушдики, бу Россиянинг мустамлакачилик сиёсатининг энг салбий оқибатларидан бири эди.

Шу билан бирга, рус халқи вакиллари фанни ривожига учун турли изланишлар олиб бордилар. Улар ўлка геологиясини, географиясини, Қизилқум табиатини, Олой ва Помир ўсимлик дунёсини Талас Ола тоғ ери ости бойликларини, ерли халқлар маданиятини ва тилини ўргандилар, бунинг учун турли кўргазмалар, экспедициялар ташкил қиладилар.

Рус тўқимачилик саноати манфаати йўлида рус олимлар пахтачилик билан ҳам шуғулланадилар. Улар пахтанинг Америка ва Миср навларини ўзлаштириш устида илмий текшириш ишларини олиб бордилар. Бу эса, маҳаллий деҳқонлар орасида қизиқиш уйғотди. Лекин рус олимларидан биттаси ҳам ўз илмий текшириш ишига ерли халқлар вакилларида қўшгани йўқ. Ўтган асрнинг 70-90 йиллари Туркистон ўлкаси Ўрта Осиё, бу ўлкада жойлашган олтин ва бошқа фойдали қазилмалар, ўлка тарихи, медицина, адабиёт - тил тўғрисида рус олимлари томонидан китоблар ёзилди. Лекин бу китоблар рус мустамлакачиларининг мўлжаллаб, улардан биронтаси ерли халқлар тилига таржима қилинади. Албатта, эркесвар ерли халқлар ўз миллий озозлиги учун курашди. Лекин бу курашга рахнома бўладиган сиёсий куч сиёсий партия йўқ эди. Ерли халқлар орасидан етилиб чиқаётган

миллий буржуазия ва бойликлар аслида Россия империяси мустамлакачилик сиёсатини ижтимоий синфий таянчи бўлиб улар мустамлакачилик тузуми амалдорлари билан оғиз-бурун ўпишдилар, ишчи ва деҳқонларга қарши уйиштилари. Масалан, миллий савдо буржуазияси вакиллари рус тилини ўрганишда, бунинг учун рус тилида янги мактабларни очишда, бу мактабларда рус тилини ўқитиш тўғрисида 1881 йили мустамлакачи маъмуриятига мурожат қилган эдилар. Мустамлакачилик маъмурияти ана шу бойлар ва савдогарларсиз ўз ҳукмронлигини амалга ошира олмас эдилар, шу боисдан ҳам мустамлакачилар маъмурияти, Ўрта Осиёни йирик шаҳарларида рус миллий мактабларини очишга рухсат бердилар.”қарға қарғанинг кўзини чўқимайди”, - деган халқимизда мақол бор. Бу мақолнинг уша даврга нисбатан ишлатадиган бўлсак, у ҳолда ўша “Рус маҳаллий” мактабларини битириб чиққан бойлар, савдогарлар, амалдорлар комерсантларнинг фарзандларидан иборат бўлгани учун ҳам, улар мустамлакачилар билан бирга ўз синфий манфаатларини, ўз имтиёзларини сақлаб қолиш учун барча найранглари ишлатган эдилар. Уларнинг шиорларидан бири “ўриснинг боласи кўпайса бизнинг пулимиз ҳам кўпаяди” эди.

Рус маҳаллий мактабларини битириб чиққан ерли халқлар фарзандларига асосан: маҳаллий бошқарув органларида энг паст поғонадаги амаллар топширдилар ёки улар таржимон сифатида фойдаландилар.

Мустамлакачиликка асосланган маъмурият амалдорлари, рус олимлари ерли халқлар тарихи, урф-одатлари, ананалари турмуш-тарзи, билан шунчки ўйинчоқ сифатида қизиқмай, балки улар ўз мустамлакачилик сиёсатини маҳаллий шароитда мослаштиришни ва чоризм ҳукумдорлигини енгиллик билан таъмин этишни мақсад қилиб қўйган эдилар.

Ўз навбатида чор ҳокимияти ўзининг мустамлакачилик тузумини

мустаҳкамлаш мақсади билан Туркистон ўлкасига Россия деҳқонларини кўчириш йўлини тутди. Гап шундаки, ўлканинг ўзида деҳқонлар учун ери етишмаётган пайтда ,юз минглаб ерли деҳқонлар ерсизлик азоб – уқубатини тортаётган пайтда ,рус деҳқонларини Туркистонга кўчириб келиниши бу ердаги деҳқонлар социал ахволини ғоят мушкуллаштириб юборди. Жаноб А.А.Кауфман ўзи ”рус деҳқонларининг эҳтиёжларини деҳқонларни кучириш билан тامينламоқ учун , шубҳасиз, ери етарли эмас” деб эътироф этган бўлиб, бу рус деҳқонларининг ерини тортиб олиш ҳисобига бериш мумкин эди холос. Кауфман рус деҳқонларини алдаб , уларга Туркистонда „жаннат” ваъда қилди, Туркистон ерлари „мўл ҳосил берадиган тупроқдир”, унга сув берилса бас,- деб ёзилган эди.

Умуман олганда, Россияда Туркистонга деҳқонларни кўчириш, бунинг учун колонизация фондини зўрлик йўли билан ташкил қилиш кўчиб келган рус халқи фарзандлари билан ерли халқлар ўртасидан низони кучайтирди ерли деҳқонларни мустамлакачилик тизмига бўлган нафратини янада ошириб юборди, чунки бундай мазлумлик ва жирканчлик, ўз Ватанидан ўз еридан жудо бўлишдан кўра бахтсизлик фожияси ерли деҳқон учун бўлмаган эди. Айни вақтда мустамлакачиларнинг ўз ҳукмронлиги бу ерда абадийлаштириш каби қора ният борлигини кўрсатди.

Мустамлакачилар Туркистон ерларига ўз ота-боболаридан қолган мулк ўзларининг жойи деб қаррадилар. Шу билан бирга Россиядан деҳқонларнинг кўчиб кетишга 1911-йилдан ғоят даҳшатли қурғоқчилик ҳам сабаб бўлган эди. 1912-йилнинг 24-апрелида “Правда” газетаси кишда очарчиликка дуч келган деҳқонлар Туркистонга оммавий равишда шунғимоқдалар... Лекин у ерда ҳам, масалан, Тошкен шаҳрида, ишсизлар сони ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча минг кишига етди деб ёзди.

Туркистон ўлкасида яшаган ерли халқларнинг ҳар бири ўзининг миллий

мустақил, суверин давлатга эга бўлган тақдирдагина уларни мустамлакачилик ва миллий зулумдан қутқазди ва халқлари ўртасида ўзаро ишончни, ўлка халқларининг бошқа халқлар билан ўзаро ишончини вужудга келтириш мумкин эди..

Шу боисдан инқилобий ва миллий озодлик ҳаракати кучларининг жипслиги буржуазияга қарши умумий кураш учун объектив зарур бўлиб қолдики, бусиз чоризимдан муваққат ҳукуматга мерос қилиб қолдирилган мустамлакачилик зулми ва бу зулум негизида вужудга келган турли халқларнинг ажралиб кетиш хавфини тугатиш мумкин эди.

1.2. XIX асрнинг охири – XX аср бошларида синфий кураш. Деҳқон хўжаликлари табақаланишнинг чуқурлашуви.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачилик товар – пул мунособатларининг ўсишига ва деҳқонларининг янада чуқурроқ табақаланувига олиб келган. Ернинг алоҳида феодал, савдогар ва судхўрлар қўлида шиддат билан тўпланиши жараёни кеча бошлади. Берилган ҳар хил қарзлар ва гаров эвазига ҳамда қозилар кўмагида маҳаллий бойлар ва судхўрлар катта-катта ер майдонларини деярли текинга ўзлариники қилиб ола бошладилар.

Ернинг бой – қулоқлар қўлида тўпланилиши билан бир қаторда ерсиз ва озгина ери бўлган ярим пролетар аҳоли табақалари шакилланди. Меҳнаткаш деҳқон аҳолининг кўпчилиги қарзга ботиб, ўзига тегишли ерни сотишга мажбур бўлдилар ва ўз мустақилликларини (эркини) йўқотдилар. XIX аср охири – XX аср бошларига келиб ерсиз деҳқонлар сони кескин кўпайиб борди. Масалан, Шеробод беклигида 7347 оиладан 500таси ерсиз бўлган, 900 оила кичик томорқага эга бўлган, бу билан оилани боқиш мушкул эди¹⁷. Ўз ерларини сотган деҳқонлар энди чорикор сифатида хўжайин қўлидаги ерга ишлов беришга ва шу тариқа қишлоқнинг оддий фуқораларига айланишга мажбур бўлдилар. Йирик заминдорлар ва амалдорлар, шунингдек савдогарлар ўз ерларига ўзлари ишлов бермай, уни ижарага бера бошладилар. Шундай ҳолатлар ҳам бўлардики, камбағал уруғлик дони ва ишчи ҳайвони (хўкизи) бўлмагани учун ўз ерини иқтисодий бақувватроқ деҳқонга ижарага беради.

Ўзбекистон қишлоқларида асирлар оша мулкый мунособатларнинг уч шакли амалда бўлган: 1.Корандалик, 2.Ижарачилик 3. Шерикчилик (ўртоқлик)¹⁸. Шундан энг кўп тарқалгани ижарачилик бўлган. XIX аср

¹⁷ Қобулов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги. – Тошкент. Академнашр. 2012. – 140б.

¹⁸ Вахабов М.Г. Формирование узбекской социалистической нации. – ташкент, 1963. – С.212.

ўрталарида Бухоро хонлигида етиштирилган ҳосилнинг ярмини олиш шарти билан ерни ижарага бериш ёки олиш шакли кўп учрайди. Масалан, ижарага олиш ҳақидаги актлардан бирида 14 таноб ерга ишлов бериш олинган ҳосилнинг тенг ярмини олиш шарти кўрсатилган. Шеробод беклигида 2,3,4 пайкал деҳқонлари бирикишган. Пайкаллардаги ерларга биргаликда ишлов бериш, бир томондан, хўжаликда иш унумдорлигини оширган, иккинчи томондан йирик жамоавий ишлар магистрал ариқларни тозалаш ва қазишда, от ва одам мажбуриятини бажаришда анча кўл келган. Мазкур ҳолларда ишлар биргаликда бажарилган, олдиндан қайси экин турини экиш ҳақида ўзаро келишиб олишган. Сўнгра ҳар бир киши ўз ҳиссасига қараб уруғлик берган.¹⁹

Аммо, яримчиликка шерик бўлиш билан бир қаторда ҳосилнинг янада озроқ қисмига эгалик қилиш шарти кўрсатилган ижарадорлик ҳам учрайди. Масалан, Арбоб Иди вазифасида Қобул бойнинг ўғли, Мулла Жума, Йўлдошбойнинг ўғли Сафарбойнинг, Азимбойнинг ўғли ва бошқа иштирокида 1913-1914-йилларда тузилган хужжатда вақф ерларида (Фарқат қишлоғида тузилган) ҳосилнинг $\frac{1}{4}$ (тўртдан бир қисми) ижарага бериш кўзда тутилган.

Шарқий Бухоро бўйича мавжуд манбага кўра ижарачи ерга ишлов бериб етиштирган ҳосилнинг $\frac{1}{6}$ қисми ёки $\frac{1}{7}$ қисмини олган холос. Шундай қилиб, инқилобий тенгсизлик ерсиз ёки кам ерли деҳқонларни йирик ер эгаларига амалда қарам қилиб қўйган.

Ижарадор бойлар ўз ерларини ишчи мардикорларга бергандан кўра чорикор меҳнатидан фойдаланишни авзал кўрганлар. Ёлланиб ишлайдиган деҳқонлар ичида чорикорлар катта ўрин тутган. Чорикор ер эгаси билан оғзаки келишув асосида ишлаб улушини келишув асосида олган. У ернинг унумдорлигига, суғорилишига алоҳида эътибор қаратган, чорикор ер эгаси билан экинни парваришlash вақтида тезкор усулда бажариладиган ишларни

¹⁹ Қобулов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги.—Тошкент. Академнашр. 2012.—140-141б.

уддалаш ҳақида ҳам ўзаро келишиб олган. Қилган меҳнатига қараб ҳосилнинг тўртдан бир қисмидан олтидан бир қисмигача олган²⁰. Негаки, масулият билан ижара ҳаққини тўлаш заминдорлар учун манфаатли (фойдали) эди. Бу даврда кичик ер участкасига (майдонига) эга бўлган деҳқонлардан ташқари умуман ери бўлмаган деҳқонлар ҳам ижарачи сифатида ерга ишлов берган ва улар амалда ёлланма ишчиларга айланган. Ижаранинг яна бир кўриниши шунда эди-ки, йирик заминдор ўз хўжалигини ўзи юритишни истамай уни (ерни) кичик участкаларга бўлиб камбағал деҳқонларга берган.

Шундай қилиб ижарачилик феодал эксплуатациянинг энг оғир ва қўпол шакли эди: Ижарачи қанчалик камбағал бўлса, ижара шартлари шунчалик оғир бўлган

Бухоро деҳқонларнинг оғир аҳволи мавжуд ерга ишлов бериш билан янада мураккаблашган (чуқурлашган). Масалан, Бухоро амрининг Қушбегисининг фонди ҳужжатларида баъзи йирик ер эгалари ва амлдорлари ерига деҳқонларнинг ишлов бериши (ҳақ олмай) фактлари эслатилади. Баъзи беклар ва амалдорлар деҳқонларнинг ўзларининг (бек ва амалдорларнинг) ерларида ишлашга мажбур қилганлар.

Бойлар ва амалдорларга тегишли деҳқонлар томонидан ишлов берилиши фактлари рус амалдорлари томонидан эслатиб ўтилади. Масалан, сарой чегара пости бошлиғи шундай ёзади: бойларнинг ва амалдорларнинг дала ишлари оддий халқ томонидан текинга бажарилган, ишлаб беришни хохламаганлар пул жаримаси тўлаган, агар пули бўлмаса уларнинг сўнги сигири ёки оти олиб қўйилган.

Солиқ ва бошқа тўловларни қабул қилувчилар томонидан таланган (бор нарсадан ажралган) Бухоро деҳқонлари ўз ерларини гаровга қўйиб судхўрлардан қарз олганлар. Судхўрдан бир марта қазр олган деҳқон унинг

²⁰ Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати.-Тошкент.Академия,2002.-260б.

доимий қарздорига айланиб қолган. Бу ҳақда Бухорони яхши билган Д.А.Жаровко Покорский шундай ёзади. „Шундай кишлоқлар бор-ки, унинг аҳолиси тўлов ва мажбуриятларни тўлагандан сўнг, қолган озгина маблағларни ўз кредиторига (қарз олган судхўрга) берган-ки ундан қачондир қутилишга умид йўқ эди”²¹

Судхўрларнинг барган қарзи устига қўшимча фоиз қўйиб фойда олиши шариатда таъкидлангани (ман этилгани) учун, ерни гаровга қўйиши ўзига хос шаклида бўлган, яъни олинган қарз ер нархи сифатида, қўшимча фоиз эса ижара ҳаққи сифатида эса расмийлаштирилган.

Судхўрлик қарзлари қисқа муддатли ва узоқ муддатли қилиб берилиши кўзда тутилган. Қарзни тўлашнинг охириги муддати 6 ой қилиб белгиланган ва олинган қарз бўйича 40% ҳисобидан ойма-ой бадал тўлаб боришган. Қарз беривчи билан қарздор ўртасида келишмовчилик, бахс бўлган тақдирда кўпчилик ҳолатларда қозилар қарздорга қасам ичишликни таклиф қилган, шу тариқа бахсни қарз берувчи фойдасига ҳал қилган. Гап шунда-ки, мусулмон киши томонидан қасам ичиш (қасамёд қилиш) шармандали ҳолат ҳисобланган ва шунинг учун ҳам мусулмон деҳқон қасам ичишдан кўра нима қилиб бўлсада катта суммадаги қарзини тўлашга ҳаракат қилган. Узоқ муддатли қарзлар муддати аниқ бўлмаган даврга йиллик 60% фойда тўлаш шарти билан берилган, қарзни тўлаш муддари ва шакли ўзаро келишув асосида белгиланган. Олти ой муддатга қарз олган қарздор ўз муддатида қарзини қайтармаса, у узоқ муддатли қарздорга айланиб қолган ва токи асосий қарзни тўлик қайтармагунча ойига 5% устама тўлов беришга мажбур бўлган.

1912- йилда Россия сиёсий агентлигининг ёзишича ҳинд-судхўрларнинг берган қарзлари бўйича фойда 100% га етган. Бошқа бир хужжатда хабар

²¹ Хакимова К., Кравец Л. Социально экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане.-Ташкент,Фан1980.-114с.

қилинишига қараганда деҳқонлар ҳинд-судхўрларидан ҳафтасига 5% фойда тўлаш шарти билан қарз олганлар, бу эса йиллик 260% ни ташкил этади.²² Шундай қилиб ҳинд судхўрлардан маълум суммада қарз олган деҳқон унинг доимий қарздорига айланиб қолган.

Масалан, Туркистонда шу йилларда (бу ерда 1912-1913 йиллар назарда тутиляпти) архив маълумотларга қараганда судхўрлик фоизлари йилига 350, баъзи ҳолларда эса 1000% га етган. Шундай қилиб судхўрлар деҳқон хўжаликларини хонавайрон қилиб уларнинг ачинарли шароитларда фаолият юритишга (маҳсулот ишлаб чиқаришга) мажбур қилганлар.

Судхўрлик фаолиятини баъзи рус фирмалари ҳам амалга оширганлар. Масалан, Бр. Шлосберг фирмаси(идораси)1905 йил 6-февралда Сахридинбой Бадриддиновга (Шофиркон туманидаги қаршиян деган жойда) 12 таноб ерни гаровга қўйган ҳолда 5 минг тангани бир йил муддатга қарз берган. Қарздорлик шужжатларида кўрсатилишича қарздор бир йил ичида олинган қарзни қайтариши,агар қарз тўлиқ қайтарилмаса ер учаткаси тўлиқ фирма мулкига ўтказилиши кўзда тутилган. Ушбу ҳужжат Бухоро амирининг Қушбегиси архив фондидан олингани сабабли, аниқланди-ки, қарздор ўз қарзини ўз вақтида қайтара олмаган. Амир Қушбеги фондида деҳқонларнинг хонавайрон бўлиши (олинган қарзи туфайли) ҳақида маълумот берувчи бунақа ҳужжатларни кўплаб учратиш мумкин. Бу ерда шуни таъкидлаш жоиз-ки, алоҳида судхўрларга нисбатан кичик ер участкалари ўтиб борган бўлса, фирма идораларига асосан ўрта ҳол деҳқонларга тегишли бўлган ва нисбатан йирик ер участкалари ўтиб борди.

Ерни чорвага қўшиб судхўрлик қарзи олиш ёки қўшимча фойиз тўлаш шарти билан қарз олиш охир-оқибатда деҳқонларнинг хонавайрон бўлишига,

²² Хакимова К., Кравец Л. Социально экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане.-Ташкент,Фан1980.-116 с.

ерсиз қолишга олиб келди. 90-йилларда судхўрлик фойзалари масаласи билан нафақат Бухоро амирлиги, балки рус ҳукумати ҳам шуғуллана бошлади. Бу масаладаги текширув ва суриштирувлар 1892 йилда ҳинд – судхўрларининг суистемолчилигига чек қўйиш ва уларнинг фаолияти устидан назорат ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилиниши билан якунланди. Аммо бу қарор амалда ҳеч нарсани ўзгартирмади

Судхўрлик эксплуатациясининг яна бир шакли бу бунак ҳисобланади. Дехқонлар ва хунармандлар фойизсиз қарз ёки гаров олганлар—ки, улар ўз махсулотларини кимдан қарз олган бўлса ўшанга бериши (сотиши) кўзда тутилган, бу ҳолат Бухорода бунак дейилган. Бунак бериш пахта ҳосили учун воситачилар- савдогарлар (олиб-сотарлар) судхўрлар фирмалар ва ҳ.к томонидан амалга оширилган- ки, улар кредитни (қарзни) йилига 10-12% олгани ҳолда, дхқонларга ва хунармандларга йилига 40-60-% фойда тўлаш кўп ҳолларда эса 8 ойдан ошиқ бўлган муддат учун йилига 90-130% фойда тўлаш шарти билан берганлар²³.

Гаров берувчилар пахтани ўзлари учун қулай ва манфаатли нархларда сотиб олганлар. Хонликка суқулиб кирган рус капитали асосан пахтачиликни кредитлаш (қарз бериш) билан шуғуланди. Пахтачиликни кредитлаш билан рус буржуазиясидан ташқари янги пайдо бўлаётган маҳаллий буржуазия ҳам шуғуллана бошлади. Ҳар-хил комиссионерлар (қарз бериш ва олиб сотиш билан шуғулланиш) пайдо бўлди-ки, улар қарз бериш бозорда пахтани сотиб олиш ва уни маҳаллий фирмаларга сотиш, баъзи ҳолларда сотиб олинган пахтани Москвага жўнатиш билан шуғулландилар. Бу каби олиб сотарлар (йирик миқдорда) тезда бойиб, бир неча йил ичида ўз капиталлаини 200-300% га ва ундан ҳам кўпроққа бойитдилар.

²³ Қобулов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги.—Тошкент. Академнашр. 2012.—285б.

Бунак фоизсиз қарз бўлса-да, у ҳар-хил воситачилар қўлида фоизсиз кўпайиб унча бақувват (иқтисодий манода) бўлмаган деҳқон хўжалик бунак учун тўловни амалда қила олмаса ва улар доимий қарздорларга айланиб қолардилар фирмалар ҳам қарздорлар доимий бўлишдан манфаатдор эдилар. Агар пахта экувчи деҳқон тўла хонавайрон бўлса, яъни амалга қарзини тўлаш имконига эга бўлмаса, фирма олинган қарз эвазига унинг ерини олиб қўярди. Бухоро амирининг қушбегиси фондига (архив) Бойсун вилояти янги-арик фуқороларининг қушбеги номига ёзган (қилган) шикоятларда шундай дейилади.: улар, яъни деҳқонлар вилоят бойидан ғўза етиштириш учун қарзга чой ва мато олган, бой эса ғўзанинг нархи бозорда 33 сўм бўлган ҳолда, деҳқонларга 18 сўмдан беришга қарор қилган. Кўриниб турибди-ки, деҳқонлар ғўза пишгунга қадар маблағга муштож бўлиб, бўлғуси ҳосил учун бозордагидан деярли икки баробар арзон нарх асосида қарз олишга мажбур бўлган, бунинг устига бойлар саноат моллари деҳқонларга чайқов нархида сотганлар²⁴.

Шарқий Бухоро шерикчилик идораси Қўрғонтепа деҳқонларига ўн олти пудлик ҳосил учун 150 танга қарз (бунак) берган, ваҳолангки бу миқдордаги ҳосил бозорда 425 тангага баҳоланган. Ҳисорда ўн икки пудлик ботмон (ҳосил миқдори) учун бозор нархи 275 танга бўлгани ҳолда 80 танга берган, шерикчилик фирмаси. Бойсун ва Шеробод бекликларида эса тўққиз пудлик ботмон учун 150-180 танга бунак қарз берилган, худди шу миқдордаги ҳосил баҳоси бозорда 290 танга бўлган, шундай қилиб, Қўрғонтепа беклигида бир ботмон пахтанинг бунак нархи бозордагига нисбатан 65%, Ҳисорда 71% , Бойсун ва Шерабод бекликларида эса 49% қимматроқ бўлган²⁵ . Деҳқонлар ўта

²⁴ Қобулов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги.—Тошкент.Академнашр.2012.—285б.

²⁵ Қобулов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги.—Тошкент.Академнашр.2012.—286б.

норозилик ва ноиложликдан ана шундай бунак қарзларини асоратли шартларда олганлар.

Дехқонлар ўта ночорлик ва ноиложликдан ана шундай бунак қарзларини асоратли шартларда олганлар.

Пахта бозорининг инспектори Россия сиёсий агентлиги га ёзган билдиришидан (паспортидан), бу 1904 й 24 – феввалида ёзилган билдиришидан пахтачилик фирмалари пахта учун катта суммани бунакка берган. Бунак пахтадан ташқари ғалла, қоракўл ва жун етиштириш учун ҳам берилган.

Бунак нафақат бойлар ва капиталистик фирмалар томонидан, балки Бухоро ҳукумати томонидан ҳам берилган.

1914 йилда Тошкентда бўлган пахтакорларнинг съездида шундай дейилади: гаров беришнинг одатдаги шартлари шундай-ки, пахтакорлар (пахта етиштирувчи деҳқонлар) баъзи истисноларни ҳисобга олмаганда ё зўрға ҳосилдан ҳосилгача етиб боради, ёки кўпчилик ҳолатларда йилдан – йилга ўз ерларидан маҳрум бўлиб, камбағаллашиб боради ва охир – оқибатда фирма ва воситачиларнинг қарзини тўлай олмай, уларнинг доимий қарздорларига айланиб қолишмоқда.

Дехқонларнинг аҳволини бунакдан ташқари, судхўр бойларнинг ва фирмаларнинг қарзга пулдан ташқари деҳқонларга умуман кераги бўлмаган саноат товарларини ярим нархига сотишга ва тушган пулга ўзларига керакли буюмлар ва озиқ-овқат моллари сотиб олишга мажбур бўлардилар. Пахта руғликлари ҳам сифатсиз бўлиб ҳаддан ташқари юқори нархларда деҳқонларга сотилган. Буларнинг барчаси майда ишлаб чиқарувчиларнинг хонавайрон бўлишига, ерларнинг эса судхўр – бойлар қўлида тўпланишига олиб келди.

Юқорида келтирилган мисоллардан хулоса қилиш мумкин-ки, бунак деҳқонларни қайта – қайта феоизлар эвазига қарз олишдан ҳам кўра тезроқ

хонавайрон қилган, нега-ки у (бунак) судхўрлик кредитининг (қарзнинг бешафқат (аёвсиз) шакли эди. Гаров берувчилар томонидан белгиланган пахта нархлари бозор нархидан Ўзбекистон ССР тарихида кўрсатилган 25%, А.И.Шахназаров таъкидлаганидек 30-40 % эмас, балки амалда 55-70 % паст эди²⁶. Бунак тарқатиш (бериш) турли фирма ва банкларнинг Бухро хонлигида феодал муносабатлар ҳукмрон бўлган воқелигига мослашуви бўлиб, капитализмга бўлган эксплуатация усуллари, яъни банклар ва воситачи-деҳқонларни бойитувчи усулларни қўллар эдилар.

Асорат, судхўрлик, ишлаб бериш ва бошқа ишлар деҳқонлар табақаланишига тўсқинлик қилиб, қишлоқда деҳқонлар буржуазияси вакиллари эмас, қишлоқ судхўрлиги ва қўшни ер эгалари амалда хўжайин бўлишига олиб келди. Бу омиллар феодал ва ярим феодал эксплуатация шакли мавжуд бўлган Бухоро хонлигида алоҳида тўсқинлик қилардики, яъни капиталистик ижтимоий муносабатларнинг шаклланишига. Аммо тўсқинлик қилувчи қатор омилларга қарамасдан секинлик билан бўлса-да деҳқонларнинг табақаланувчи (табақаланиш, дифференциялашуви) жараёни борди (давом этади. Қишлоқда феодал – бой – қулоқлар билан бир қаторда ерсиз ва кам ерли ярим пролетар табақалар шакллана бошлади. Бу жараён қолоқ патриархал деҳқончиликнинг емирилиб, янги типдаги қишлоқ аҳолисининг шаклланишини билдиради.

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishiда кириб сўнг Бухоро амирлигига Россия капиталининг кириб келиши ва товар деҳқончилигининг ривожланиши натижасида феодал-патриархал муносабатларнинг емирилиш жараёни кучайди. Деҳқон хўжаликларининг табақалануви натижасида қишлоқ

²⁶ Хакимова К., Кравец Л. Социально экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане.-Ташкент,Фан1980.-121 с.

аҳолисининг иккита янги типи шаклланди: феодал-бой-қулоқлар қишлоқ буржуазия кўринишида ва ерсиз деҳқонлар “қишлоқ пролетариати ёлланма ишчилар синфи.

II. БОБ XIX аср охири- XX аср бошларида Сурхон воҳасида норозилик чиқишлари ва мустамлакачиларга қарши миллий озодлик ҳаракатлари.

II.1. Шарқий Бухоро бекликларида миллий озодлик ҳаракатлари.

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олингандан ва мустамлака тузуми ўрнатилгандан сўнг майда деҳқонларнинг хонавайрон бўлиши, ерсиз қолиши ва қашоқлашуви жараёни кучайди, уларнинг аҳволи кескин ёмонлашди. Шавқатсиз ижтимоий ва миллий- мустамлакачилик зулми, солиқлар сонинг кескин кўплиги деҳқонлар норозилигининг ўсишига, деҳқонлар ҳаракатининг фаоллашувига олиб келди. Солиқлардан ташқари хонлик аҳолисидан бошқа турдаги йиғимлар ҳам талаб қилинган. Масалан, никоҳ шартномасини расмийлаштиришда никоҳланаётганлар қозига никоҳона йиғими (солиғи) тўлаганлар. Амир кўрсатмасига мувофиқ қизлардан 10 танга, есирлардан 5 танга никоҳона олинган. Қозилар меросни тақсимлаб берганлари учун тариқона деб номланган йиғим ундирганлар . Бу йиғимнинг аниқ миқдори бўлмаган, одатда 100 тангадан 10 танга, 1000 тангадан 50 танга йиғим олинган²⁷. Олди-сотди келишувларни , гаров ва ижара келишувларни ҳуқуқий расмийлаштирганлик учун қозиларга муҳрона йиғими (солиғи) тўланган. Болаларнинг ўқиганлиги учун раисларга мактаб пули тўланиб, унинг миқдори одатда 15-20 тангани ташкил қилган. Шерабод вилоятида (беклигида) раис одатдаги йиғим устига яна ойига 20 танга олинган²⁸.

Бухоро туманларида қозилар фойдасига қурилиш ва дарахтзорлардан ускуна-пули деб аталмиш йиғим олинган, чиғир билан сув олиб

²⁷ Хакимова К., Кравец Л. Социально экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане.-Ташкент,Фан1980.-134 с.

²⁸ Қобулов Э. Сурхон воҳаси ҳўжалиги.-Тошкент.Академнашр.2012.-105б.

фойдаланганлик учун лабаки-пули, ариқ сувлардан фойдаланганлик учун жўйча-пули деб аталмиш йиғимлар олинган.

Мироблар фойдасига (улар маҳаллий иригатсия, яни сув иншоатларига бош қош бўлишган) миробона деб аталувчи йиғим олинган. Масалан: Денов вилоятида (беклигида) ҳар бир қўш ер майдонидан 1 ман.дан миқдорида миробона солиғи олинган²⁹

Хонлик аҳолиси ўзлари етиштирган маҳсулотларни бозорда сотганлик учун тарози пули деб аталувчи солиқ тўлашган. Масалан: сотилган ҳар бир ботмон пахта учун 1-1,5 чорак йиғим олинган. Бозорда ўз маҳсулотини қўйганлик учун (жой учун) таги-жой деб ном олиган йиғим ундирилган. Бир эшак юки учун 4 тийин, бир эшакка қамиш ортилган бўлса 2 тийин йиғим олишган. Қарши туманида ҳатто бозорда ҳайвонлар (ешак, от, хўкиз ва ҳ.к) туриши учун ҳам таги-жой йиғими олинган. Булардан ташқари ҳар бир қоп юк учун (бозорга келтирилган) 3 тангадан йўл-пули деб номланувчи йиғим олинган³⁰.

Туркистон генерал-губернаторлигида бозордаги жойдан (ердан) фойдаланганлик учун таги-жой солиғи ундирилган. 1874 йилда бу йиғим ҳар бир сотувчидан ойига 15 тийин миқдорда ундирилган. 1879 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудларида бу йиғим бекор қилинган.

Юқорида санаб ўтилган йиғимлардан ташқари олувчи ва сотувчи ўртасида воситачилик қилувчилар учун даллол пули йиғими олинган. Пахта, қорақўл териси каби товарлар умуман даллолларсиз сотилмаган. Бу йиғим одатда аминона йиғими билан бирга олинган.

Маҳаллий аҳоли вакилларнинг шикоят аризасида кўрсатилшича даво аризасини (баҳсни) ажрим қилиш (текшириш) учун келган амалдор мулк

²⁹ Мухсинова К.З. К истории выступления бухарских крестьян против налогового гнета в конце XIX в. Ташкент, 1959.—98с.

³⁰ Мукминова Р. К изучению среднеазиатских терминов тагджа, сукнийат, ички.—М.:1968.—128с.

давоси 1500 танга бўлгани ҳолда бу амалдор 230 танга хизматона йиғими олинган

Амир Олимхон томонидан амалдорлар учун 10 танга, маҳрам ва ясовуллар учун 5 танга, лавозими бор шогирд-пишечонлар (бу мансаб қандай мансаб эканлигини аниқлаш керак) учун 7 танга, лавозимсизлари учун 4 танга миқдорида хизматона йиғими белгиланган, шикоятларни текширишга келган амалдорларнинг барча харажатларини халқ тўлаган.

Юқорида санаб ўтилган солиқ ва йиғимлар феодал рентасининг шакилларидан бири бўлган. Бухоро амирлигида унинг (феодал рентасининг) бошқа шакли-ҳашар кўринишидаги баришчина бўлган, бунда деҳқонларни феодал ерларида ёрдам бериш (ишлаш)га таклиф қилишган. Деҳқонлар шунингдек турли мажбуриятларни ҳам бажаришга мажбур бўлганлар. Масалан: Ўтиб кетаётган амалдор шахснинг тўхтаб тургани учун кўнарға, амалдорни олиб бориб қўйиш, қабул қилиш ва овқатлантириш учун жомарға олиб бориши ёки олиб келиш учун улоқ деб аталмиш ва шу каби бошқа йиғимлар ҳам оддий аҳоли бажаришга тўлашга мажбур бўлишган. Хашар Ўрта Осиё ҳудудларида қадимдан ўзаро ёрдам кўринишида мавжуд бўлган. Йирик феодаллар, рухонийлар ва амалдорлар хашар ниқоби остида камбағал деҳқонларни эксплуатация қилганлар. Бу каби феодал ва амалдорлар анъанага ҳилоф равишда хашарга келган деҳқонларни овқатлантиришдан бош тортганлар. Қайд этиш жоиз-ки, хашарлар одатда деҳқонлар учун қизғин паллада, яни қачонки ерга ишлов бериш (ағдариш) ва ҳосил ўрим-йиғими пайтида ташкил қилинган. Бундай хашарларда камбағал деҳқонларнинг бормай қолиши иложи бўлмаган, нега-ки, улар бойлар ва феодалар тазйик ўтказишдан қўрқанлар.

Шерабод вилоятининг (беклигининг) қозиси мулла Исомиддин амир номига юборган билдиришномасида деҳқонларнинг бек ва амалдорлар

устидан шикоят қилгани, нега-ки, улар деҳқонларни ўз ерларида ишлашга мажбур қилганликларини ёзади. Шуниси қизиқки, ушбу ҳужжатда хашар атамаси учрамайди, нега-ки, ихтиёрий хашар аллақачон мажбурий ишлаб беришга айланиб қолган. Бошқа бир ҳужжатда мулла мир Немат раис муфтига берган аризасига қараганда Яккабоғда уч таноб ерга ишлов беришлик учун ҳокимлар ҳар бир амлокдан бир жуфт ҳўкиз талаб қилишган. Н.А.Кислёнованинг ҳисоблашича Қоратепада марказга яқин бўлган қишлоқлар аҳолисидан қишлоқ ҳўжалик хашари учун йилига 15 кунгача одамларни жалб қилган.

Суғориш (иригатсия) тизимларини тозалаш, тўғон қуриш, йўл ва кўприклар қуриш ва тамирлаш ишлари ҳам бепул бажарилган аҳоли томонидан ва у ҳам хашар деб аталган. Амалдорлар хашар ташкил қилишлик учун уни утказиш заруряти ҳақида амирга хабар берганлар ва тегишли рухсат олганлар. Шундан сўнг хашарнинг дастлабки куни ҳақида аҳолига хабар берилган ва қанча ишчи кучи бериш кераклиги айтилган. Масалан: Нарпайда сел ювиб кетган ариқни тиклаш учун ҳар кўш ердан икки кишидан ишчи кучи олинган. Хашарга чиқмаганлардан бақи-пули деб аталувчи жарима олинган. Танҳо деб аталувчи ер майдонига эга бўлганлар хашарга ҳам қатнашмаган, жарима ҳам тўламаган³¹.

Кўп сонли солиқ тўловлари ва мажбуриятлар феудал эксплуатсиянинг асосий шакли сифатида оддий меҳнаткаш халқ елкасига юкланган. Хонликнинг ҳар бир жойда маълум кўринишдаги солиқ ва йиғимлар олинган ва у таомили қадим деб ҳам юритилган. Солиқ ва йиғимларнинг аниқ ва қаттий беигиланган меёри (нормаси) бўлмаган, бу эса солиқ йиғувчиларнинг сувистемолчиликлари (ғирромчилиглари) учун кенг йўл очиб берган. Солиқ йиғувчиларнинг ўзбошимчалиги, солиқлар миқдорининг кўплиги халқ

³¹ Турсунов С. Шерободликлар.-Т:Ўзбекистон,2007.-62-63б.

чиқишларига олиб келди. Халқ норозилиги, деҳқонлар шикоятлари, маҳаллий маъмурлардан норози бўлиб, амирга шикоят аризалари жўнатилганлиги, солиқларни тўлашдан бош тортишлар, деҳқонларнинг бошқа вилоятларга,хусусан , 1902, 1903, 1904 йиллари Афғонистонга қочиб кетишлари ҳақида кўплаб фактлар ва рақамларни келтириш мумкин³². Бу фактлар ҳозирги кунда тадқиқотчилар томонидан етарли даражада ўрганилмаган ва улар эътиборга тушмаган, ваҳоланки бу фактлар анча қизиқарли бўлиб, у деҳқонлар норозилигининг сабабларини феодал эксплуатациянинг кучайишига қарши чиқишлар сабабларини билиб олишга ёрдам беради.

Шикоят ёзувчиларга (қилувчиларга) тазйиқ ўтказилишига қарамасдан Бухоро хонлиги деҳқонлари доимо ҳаддан ташқари эксплуатация қилинишига ва маъмуриятнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига қарши норозилик билдириб келдилар. Деҳқонлар ўз шикоятлари жавобсиз қолган тақдирда, яна қайта шикоят ёздилар, охир оқибатда кескин ҳаракатлар қилишга ўтиб, ўз вакилларини амир ҳузурига жўнатиш, солиқларни тўлашдан бош тортиш, бошқа вилоятларга қочиб кетиш, амалдор шахсларни калтаклаш ва охир – оқибатда оммавий қуролли қўзғалонлар кўтарганлар. Шарқий Бухоро хонликка қўшиб олингандан сўнг узоқ шарқий вилоятларга амирнинг ишончли ва садоқатли амалдорлари юборилди. Масалан, Балжувон беклигига содиқ Самарқанд беки Шерали иноқнинг ўғли Абдулкарим тайинланди³³. Абдулкарим бек бўлиб олганидан сўнг ўзбошичалик билан аҳолидан олинадиган йиғимлар миадорини оширди. Аммо Балжувонликларга бу солиқ миқдорининг ошуви оғир (малол келди) кўринди ва улар ҳукумдордан солиқ миқдорини озайтиришни

³² Қобулов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги. –Тошкент, Академнашр. 2012. -103б

³³ Хамраев М. Очерки истории Гиссарского бекства конца 19 начао 20 век. -Душанбе, 1959. -80-81с.

(камайтиришни) сўрадилар, аммо деҳқонлар сўрови қондирилмасдан (бажарилмасдан) қолиди ва бу ҳолат кўзғалон кўтарилишига сабаб бўлди. 2000 га яқин Балжувонликлар балжувон қалъасини қуршаб олдилар. Бек Абдулкарим Ҳисорга қочишга улгурди, кўзғалончилар қалъани эгалладилар ва бекка тегишли мулкни таладилар.³⁴ Кўзғалончилар бек ва унинг отрядини қувиш ва йўқ қилиш ўрнига қўлга туширилган ўлжани тақсимлашга тушдилар. Кўплар ўз улушини олиб, ўз қишлоғига қайтдилар, бу эса кўзғалончилар кучини заифлаштирди.

Қалъа қамалга олингунга қадар деҳқонлар кўзғалони ҳақида хабор топган Абдулкаримбек қўшни беклардан ҳарбий ёрдам сўраган. Ҳисор шукумдори (беки) Ёқуб қушбеги Балжувонга қуролли отряд юборди, бундан хабар топган қуролсиз кўзғалончилар Қоратегиндан жануби – ғарбдаги мустақил ҳудуд бўлган дарбандга чекиндилар. 1870 йилги кўзғалон Бухоро амирлиги Россия вассалига айлантирилгандан кейинг Бухоро маъмурларининг ўзбошимчалигига қарши биринчи норозилик чиқиши бўлди. Аммо бу кўзғалон стихияли, яхши ташкил этилмаганлиги, кўзғалончиларда аниқ ҳаракат режаси бўлмаганлиги ва ёмон қуроллангани (уларда деярли ўқ отувчи қуроллар бўлмаган) учун мағлуб бўлиши муқаррар эди.

1871 йилнинг мартада очарчилик Ғузорда халқ ғалаёнига олиб келди . Бу ғалаёнда Ғузор атрофлардаги деҳқонлар қатнашган эдилар. Кўзғалончилар сони ўша давр учун жуда кўп (катта), яни 10000 дан ошиқ кишини ташкил этган. Аммо милтиқдан бир неча бор ўқ отилиши тўпланганларни тарқатиб юбориш учун етарли бўлди.

Зарафшон округи бошлиғи Туркистон генерал-губернаторига 1871 йилнинг 9 мартада хат йўллаб, унда қуйидагиларни хабар қилади (ёзади):

³⁴ Стеценко М. Из истории народного движения в Таджикистане...-Душанбе, 1963.-103-104с.

Ғузор атрофида яшовчи аҳоли очлик туфайли 10000 дан 20000 гача одам тўпланиб Ғузорга йўл олди, унинг бозорини талаб, қўлларига нима илинса шуни вайрон қилдилар ва таладилар. Айтишларича тўс-тўпалонда бир неча одам ўлдирилган. Оломон бек қароргоҳи жойлашган ўрдага қараб йўл олган, энг асосийси, бир неча ўқ отилиши ва ўрданинг мустаҳкам деворлари оломонни тарқалишга мажбур этди³⁵.

Шундай қилиб, бу стихияли деҳқонлар ғалаёни аниқ раҳбарлик бўлмаганлиги, олдига аниқ, режали мақсадни қўймаганлиги учун дарҳол бостирилди.

Ғузор исёнидан сўнг Қаршида ҳам норозилик ҳаракатлари бошланди. Бу ғалаённинг ҳам асосий сабаби очарчилик эди. Зарафшон округи бошлиғи 1871 йил 11- мартда шундай ёзади: Қарши аҳолиси очарчилик туфайли ва Қаршининг собиқ беки- амрининг ўғли ўлими мунособати билан ўрдани таладилар ва тартибсизликларни келтириб чиқардилар.

Ғузорда ҳам, Қаршида ҳам ўта чорасизлик (ноиложсизлик) ҳолатига тушган (барча поғонадаги амалдорларнинг суистемолчилиги, очкўзлиги, халқ ҳаётига бефарқлиги туфайли) халқ бозорларни тўлашга мажбур бўлдилар. Бозор аҳолиси фақат ўрдани эгаллашга ҳаракат қилиб кўрган бўлса, қаршиликлар ҳатто қаълани эгаллаган эдилар.

Балжувон ҳукмдори Абдурахмон хожи сувурнинг солиқ йиғими хусусидаги ўзбошимчалиги Балжувон яқиндаги тоғли ҳудудларда кўчманчилик (чорва) билан шуғулланувчи лақайларнинг норозилик чиқишига сабаб бўлди. Бу ҳақда хабар топган Балжувонда жойлашган Бухоро отрядининг (қўшинининг) бошлиғи лақайларни амир номига шикоят ёзишга кўндиради, ўзи эса исёнчилардан 7 кишини хоинона қўлга олиб,

³⁵ Хакимова К., Кравец Л. Социально экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане.-Ташкент,Фан1980.-140 с.

уларни Бухорога жўнатди, шундан кейин кўзғалон ўз ўзидан тинчиб қолди. Н.Маевнинг 1871 йил 1июлда Туркистон генерал-губернаторига ёзган билдиришига қараганда бухорога юборилган 7 киши қатил қилинган.³⁶

1885 йил охирларида Кўлоб бекининг ва солиқ йиғувчи амалдорларнинг ўзбошимчалиги ва суистемолчилиги туфайли Мўминобод қишлоғи аҳолиси кўзғалон кўтардилар.

„Амир ёрлиғи“ олинганидан сўнг ва унда йиғиладиган хирож солиғининг миқдори қайд этилиб, Кўлоб вилоятининг қатор жойларида, масалан Қўлтиблида деҳқонларнинг амлақдор томонидан солиқларни меёрдан ошириб олинишга қарши чиқиб, улар ўз вакилларини амирга жўнатдилар ва ўзлари солиқ тўлашдан бош тортиб ўз элчиларининг амир қабулидан қайтишини кутдилар. Аммо деҳқонлар ўз вакилларининг (амир ҳузурига юборилган) Кўлоб ҳокими томонидан қамокқа олинганини билишгач, улар Кўлобга- ҳоким қароргоҳига йўл олдилар-ки, ўз вакилларини амир ҳузурига юборишлари сабабини тушунтириш ва уни қамокдан озод қилиш учун ҳоким Муҳаммад Назир бек бий келган деҳқонлар олдида ўз амалдорларини юбориб, уларни тинчлантирмоқчи бўлди, лекин бу ҳаракат ҳеч қандай натижа бермади. Деҳқонлар бек томонидан юборилган амалдорларни қуршаб олдилар, уларни калтакладилар ва шу тариқа ўзларига етказилган озор учун улардан ўч олдилар, бу амалдорларни қуч билан Балжувонга олиб кетдилар³⁷ Мўминобод деҳқонларнинг ўз асирлари билан келганини эшитган Балжувон ҳокими улар олдида ўз вакилларини юборди. Деҳқонлар эса унга келишлари сабабини тушунтирдилар.

Балжувон ҳукумдори Раҳмонқулибий парвоначи келган деҳқонларни

³⁶ Ҳакимова К., Кравец Л. Социально экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане.-Ташкент,Фан1980.-140 с.

³⁷ Ҳакимова К., Кравец Л. Социально экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане.-Ташкент,Фан1980.-141с.

орқага, ўз жойларига қайтишга кўндирди. Аммо кўзғалон тўхтаб қолмади. Мўминобод қишлоғидаги воқеалар қуйидагича бўлди. Кўзғалончилар бошида мулла Мирза, Барат, Саид, мулла Давлат ва бошқалар бўлган. Дехқонлар солиқ тўлашдан бош тортдилар, базилар эса ўзбилармонлик билан янги ҳосил хирмонидан дон олиб кетдилар.* Кундан кунга ҳаракат кенгайиб борди ва аниқ синфий характерга эга бўла борди, бу норозилик ҳаракати 1885 йилнинг декабри бошларида жуда кучайди, ўз чўққисига чиқди Мўминобод атрофларидаги камбағаллар пичо ва тайоқлар билан куролланиб, Мўминободга келдилар ва барча зодогон тўраларни, амалдорларни калтаклаб уларнинг уйларига бостириб кирдилар. Кўлоб ҳукумдори Муҳаммад Назирбек бий кўзғалоннинг бу тарздаги ривожидан хабардор бўлгач Мўминободга ўз вакилини юборди. Вазиятни ўрганиш (билиш) мақсадида Буородан иккинчи амалдор Аллаёр мирохўр келди ва унинг олдида кўзғалончиларнинг вакиллари олиб келишди. Аммо Оллаёр мирохўр ташқи сиёсий вазиятнинг мураккаблигини* ҳисобга олиб, деҳқонларнинг ўз қилмишларидан пушаймон эканликларига вадасини олиб уларни қўйиб юборди. Бу ерда шуни қайд қилиш жоиз-ки, кўзғалон рашбарлари Кўлоб бекининг ҳарбий кучлари ташқи душманни бартараф қилишга сафарбар этилганлиги ҳолатдан оқилона фойдалана билмадилар. Мавзуга диор ҳужжатларда шундай дейилади: „Афғонларнинг дарё қирғоқларида пайдо бўлиши мунособати билан барча қўшин ва навкарлар дарё қирғоқлари сари сафарбар қилинганида, ўша одамлар яна деҳқонларни исёнга чорладилар. Бу ерда афғонларнинг Панж дарёсидан ўтиб Бухорога тегишли Сайёд қалъасини эгаллаганлиги назарда тутилмоқда. Мўминобод қишлоғи атрофларидаги деҳқонларнинг кўзғалони пайтида маҳаллий маъмурлар уларни тинчлантиришга дават қилишдан бошқа бирон – бир чора кўришга иложсиз эдилар, Кўлоб ҳукумдори Муҳаммад Назирбек бий 2 - 3 та

қўзғолон иштирокчиларини бошқалари кўз ўнгида жазолаш тўғрисидаги амир буйруғини бажара олмасдан, амирдан қуролли отряд юборишни сўрашга мажбур бўлди.

Мўминобод деҳқонларнинг ғалаёни кутилган натижани бермаганлиги боис қўзғолон раҳбарларидан бир қисми, хусусан Раҳмон, Мулла Саид, Мулла Назри ва Одда Муҳаммад амалдорларнинг ўзбошимчалигидан шикоят қилиб амир ҳузурига жўнадилар, қолганлари, жумладан Муҳаммад Саид, мулла Мирза, мулла Барат ва Муҳаммад Алимлар эса деҳқонлари то амир ҳузурига кетган элчилар келгунига қадар солиқ тўламасликни ташвиқот қилдилар . Муҳаммад Назирбек бий амирга шундай ёзади: Тартибсизликларни келтириб чиқарган бу одамлар, хирож солиғини тўлашдан бош тортиб, доимо исён ва ғалаён кўтаришга интилдилар.*

Деҳқонлар қўзғолонининг сўнги натижаси манфур ҳукумдор (Кўлоб ҳукумдори) Муҳаммад назир бийнинг амалидан тушурилиши бўлди. Аммо бу натижа халққа ҳеч нима бермади. Амирнинг гумшталари бўлмиш маҳалий амалдорлар (гарчи халқ исёни биринчи новбатта уларга қарши қаратилган бўлса-да) ўзларининг аввалги амал лавозимида қолавердилар ва деҳқонларни шавқатсиз эксплуатация қилишни давом эттирдилар. Деҳқонларнинг Мўминободдаги қўзғолони шунга ўхшаш норозилик чиқишлари каби стихияли ва тарқоқ, уюшмаганлиги сабабли мағлу бўлиши муқаррар эди.

Мўминободдаги қўзғолон санаси ҳужжатлар мазмунини ўрганиш жараёнида аниқланган. Қўзғолон санасини аниқлашда Кўлоб ҳукумдори Муҳаммад Назир бийнинг ўз номидаги муҳирдан билиш мумкин –ки, у ерда 1302ва 1303 хижрий йил санаси, яъни милодий 1884-1886 йилга тўғри келади. Архив маълумотларига қараганда 1884-йил Кўлоб беки ҳақиқатдан ҳам Муҳаммад Назирбий бўлган. Мўминобод воқеаларига тегишли

ҳужжатларнинг саккизинчисиди Бухородан Мирзо Нуриддин Қоровулбеги Кўлоб ҳокими Муҳаммад Назирбийнинг молиявий ҳисоботини текшириш ва қабул қилиш учун келади (Кўлобга). Ушбу ҳужжатда Мирзо Нуриддин Қоровулбегининг Кўлобга келиш санаси аниқ кўрсатилган - 20 жумадий – ас – соний, яъни пайшанба.

Россия сиёсий агентлигининг архив ҳужжатларидан билишимиз мумкин-ки, (бу ҳужжатда 12 март 1886-йил санаси кўрсатилган) Кўлоб ҳокими Муҳаммад Назирбийнинг лавозимидан четлаштирилиши мўлжалланган. 20 жумади-ас-соний 1886-йил. 16 мартга тўғри келади. Шундан билиш мумкин-ки Муҳаммад Назирбий 1884-йилдан 16 март 1886 йилгача Кўлоб ҳукмдори бўлган. Билдиришномаларда марҳум амир ҳақидаги эслатмалар фақат амир Музаффарга таълуқлидир, у 1855-1885-йилларда Бухоро амири бўлиб, 1885 йилнинг 30 октабрдан 31 октабрга ўтар кечаси вафот этган. Шундай қилиб Мўминоботдаги деҳқонлар кўзғолони санаси янада аниқлашиб, 1885-йил октабри ва 1886-йилнинг 16-мартигача бўлган ораликда содир бўлган.

Ўрганилган ҳужжатларнинг тўртинчисиди афғон қуроли отрядларининг дарёдан ўтиб Бухоро амирлигида тегишли бўлган ҳужжатлардан ҳарбий ҳаракатлар олиб борганлиги эслатилади. Россия сиёсий агентлиги архив маълумотларида асосланиб билишимиз мумкин-ки, афғон отрядлари Панж дарёсини кечиб ўтиб, Бухоро амирлигига тегишли бўлган Саёд қаъласини эгаллашган. Билдиришномаларда бу воқеа 1885 йилнинг 9 декабрида содир бўлганлиги эслатиб ўтилади. Бош штаб капитани Покотилонинг Туркистон генерал губернаторига юборилган йўллаган ёзма ахборотномасида афғон отрядларининг дарёдан (панж) ўтиб, 1885 - йилнинг декабр бошларида Кўлоб йўналишига чиққанлиги қайд қилинган. Шундай қилиб, кўзғолончи деҳқонларнинг Мўминобод сари юриши ва кўзғолоннинг

авж палласи 1885 йилнинг декабри бошларида бўлган. Бу санани тоғ олди қишлоқлари бошқарувчисининг Зарафшон округи бошлиғига 14 – декабр 1885-йилда йўлланган ахборотнинг мазмуни ҳам тасдиқлайди, унда жумладан шундай дейилади: Кўлоб аҳолисининг норозилигининг тинчлантириш мақсадида Қоратегиндан ҳарбий куч жўнатилди.

Шундай қилиб Мўминобод кўзғолони санаси 1885-йилнинг 31 октабридан сўнг то 14 – декабригача бўлган оралиғда деб хулоса қилиш мумкин. 1886 йилнинг июлида Ҳисорда деҳқонлар ва солиқ йиғувчилар ўртасида тўқнашув содир бўлди. Бу ҳақида Россия имперяси сиёсий агенти Н.Чариков 1886 йил 9 августдаги хатида эслатади.

Бухоро амирининг Қушбегиси архив фондида сақланаётган ҳужжатида мулла мир Аҳмад раиснинг амирга хабарномаси матнида шундай жумлаларни ўқишимиз мумкин: Ҳисор ҳукумдори хирож солиғини аҳолидан ундириш учун амлақдорларга ўз одамларини ҳам юборган. Аммо аҳоли солиқ тўлашдан қаттиян бош тортганлар, уларнинг фикрича Ҳисор ҳокими амир кўрсатмасини кутмасдан ўзи ўзбошимчалик билан солиқлар йиғимини бошлашни буюрган. Хоноқо қишлоғида деҳқонлар хирож солиғини олишга келган амлақдор Абдурахмон мирохўрни калтакладилар. Хабарнома муаллифи амирга билдирди-ки, ҳокимдан нафақат оддий аҳоли (деҳқонлар), ҳатто унинг (ҳокимнинг) яқинлари ҳам норозилар. Ҳисор ҳокими Абдулмўминхон ўзининг ҳукумдорлик даври тугаётганлигини сезиб, аҳолидан иложи борича кўпроқ пул ундириб олишга ҳаракат қилган.

Ноқонуний ва тасодифий (кутилмага) солиқлар амалдаги асосий солиқ меёрларини 2 марта оширган эди. Бухоро хонлигида умуман олганда экин учун ер майдонларининг етишмаслиги шароитида деҳқонларнинг ўзига тегишли ерини ташлаб қочишлари (кетишлари)ни фақат солиқларнинг ниҳоятда оғирлиги (тўлаб бўлмайдиган даражада бўлиши) билан изоҳлаш

мумкин.

Дехқонларнинг норозилик чиқиши тасирида Бухоро амалдорлари эски удум (одат) бўйича солиқ меёрини белгилашга мажбур бўлдилар. Текшириш жараёнида тузилган акт (расмий хужжат) амлақдорлар ўзбошимчалигини чеклаш ва деҳқонларни тинчлантириш учун муҳр билан тасдиқлаб қўйилди.

Шуни таъкидлаш жоиз - ки, солиқларнинг эски (аввалги) меёрларини ёзма қайд қилиб қўйиш солиқчи маъмурларга кўп келмас эди (мақул эмас эди). Бу ерда солиқ тўлашдаги қадимги (ески) тартибларни рўйхатга олиш деҳқонлар манфаати учун деҳқонлар норозилик чиқишлари тазйиқи остида содир бўлди. Бундан ташқари Денов ҳукумдори (беки) Олмос бойга амлақдорларни алмаштириш (лавозимидан бўшатиш) топширилди. Бу табиийки деҳқонларнинг улкан (катта) ғалабаси эди.

Аммо солиқ нормаларнинг (меёрларнинг) рўйхатга олиниши ва янги амлақдорларнинг тайинланиши деҳқонлар аҳволини сезиларли (жиддий) ўзгартирмади. Солиқ йиғувчи амалдорлар муғомбирлик (хийлакорлик) билан деҳқонлардан турли солиқлар ва йиғимлар ола бошладиларки, бу деҳқонларнинг янги норозилик чиқишларига сабаб бўлди. Бухоро хонлигининг (амирлигининг) барча ҳудудларида деҳқонлар қўзғалони содир бўла бошлади.

2.2. Сурхон воҳаси бекликларида миллий озодлик, норозилик ҳаракати.

Сурхон воҳаси тарихига назар солар эканмиз, Бухоро амирлиги бу ҳудудга нисбатан олиб борган ички сиёсатида Зарафшон воҳасига нисбатан фарқли сиёсатига гувоҳ бўламиз. Бу ўз навбатида халқ ҳаракатларининг чиқишига олиб келган. Хусусан, XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг Денов ва Шеробод беклик (1885 – 1886) йилларида йирик деҳқонлар кўзғолони бўлди. Шерабод деҳқонларининг норозилик ҳаракатларига солиқ йиғувчилар томонидан солиқ миқдорининг меёрдагидан оширилгани сабаб бўлди. Даҳпаракент тоғли қишлоқ аҳолиси (Шерабод беклиги) оширилган миқдордаги солиқни тўлашдан бош тортиб, ўз вакилларини шикоят билан амир ҳузурига жўнатадилар. Деҳқонларни маҳаллий кичик амалдорлар қўллаб-қуватладилар ва маҳаллий солиқ йиғувчилар аминлар кузатувида солиқнинг умумий суммасини қайта ҳисоблаб чиқишга мажбур бўлдилар ва яна уни тўлашни талаб қилдилар. Аммо янгидан (қайтадан) ҳисоблаш (солиқ йиғими миқдори) деҳқонларни қониктирмади ва улар 30 - 40 кун давомида солиқ тўлашдан бош тортдилар. Шикоятларни текшириш учун Бухородан махсус амалдор Бобожон Жевачи ясовул келди.

Дастлабки икки марта қилинган шикоятлар натижа бермагандан сўнг Шерабодлик деҳқонлар учинчи бор шикоят қилдилар. Деҳқонлар номидан пастки қишлоқ мамурияти ходимлар ва аҳолининг ўзига тўқ бўлган қисми ҳам чиқиш қилдилар-ки, солиқ йиғувчиларнинг ўзбошимчалиги ва суистеъмолчилиги уларга ҳам малол келган эди. Деҳқонлар вакили олиб борган шикоят аризасини текшириш учун Бухородан мулла Шароф мирохўр маҳрам келди. Текширишлар жараёнида амалдорларнинг суистеъмолчилиги фактлари аниқланди. Масалан, амалдорлар 4 мандан олиш ўрнига 8 мандан

олишган. Демак одатда йиғилиши лозим бўлган солиқ миқдоридан икки боробар ошириб олинган. Шерабод деҳқонлардан хирож солиғи сифатида олинган ҳосилнинг 40% - 50%ни олишган, агар бошқа қўшимча йиғимларни ҳам ҳисобга оладиган бўлсак (бу йиғимлар 10% гача бўлган) унда хирож солиғи миқдори олинган ҳосилнинг 50%-60% га етган. Оғир солиқ юки (зулми) деҳқонларни ҳукуматга шикоят билан мурожат қилишига сабаб бўлган.

Шикоятларни текширишга келган мулла Шароф мирохўр аҳолини тинчлантириш учун деҳқонлар қўлига махсус, маҳаллий амалдорлар томонидан тасдиқланган ёрлик (варақ) беришни таклиф қилди, бу ёрликда эса деҳқонлар тўлаши керак бўлган солиқ миқдори кўрсатилган бўлиб, бундан кейин шу асосда солиқ йиғиши кўзда тутилган эди. Бу эса солиқлар миқдорини рўйхайга олиш (ёзиб қўйиш) нинг ёрқин мисолидир. Солиқ йиғимларнинг илгарги меёрларни ёзиб қўйиш тадбирининг қўлланилиши фақат деҳқонлар кўзғалонидан қўрққанлик учунгина эмас, балки маҳаллий амалдорларнинг солиқ йиғими жараёнидаги талончилиги амирга мақул эмас эди, негаки амалдорлар томонидан хонавайрон қилинаётган деҳқонлар амир ҳазинасини тўлдирувчи тартибли солиқ тўловчилар бўла олмас эдилар. Маҳаллий маъмурлар, хизмат бўйича тез-тез алмашилиб турганликлари учун, иложи борица деҳқонлардан кўпроқ нарсани ўз фойдасига ундуриш учун ҳаракат қилар эдилар.

Кетма – кет қилинган шикоятлар ҳам солиқ йиғими миқдорини рўйхатга олиш ҳам меҳнаткаш деҳқонлар аҳолини яхшиламади (ўзгартирмади). Кучайиб бораётган солиқ зулмига чидай олмаган деҳқонлар ўз уйлари ва ерларини ташлаб бошқа жойларга ва базилари ҳатто Афғонистонга қочдилар. Масалан, Янгиариқдаги Кикубу қишлоғи аҳолиси солиқ тўловлари масаласида амлақдор билан келиша олмасдан Шерабоддаги

Солихобод қишлоғига кўчиб кетдилар.

Шерабод беклиги деҳқонларининг аҳволини ёмонлашуви Россия сиёсий агентлиги ҳисоботида ҳам қайд қилинган, унда жумладан шундай дейилади: Шерабод беклигидаги умумий вазиятни қоникарли деб бўлмайди. Бекликдаги эски муаммолар: сувсизлик, ер етишмовчилиги, умумий қашоқлик, қарздорлик, ўтган йили маҳаллий маъмурларнинг ўзбошимчалиги, очкўзлиги туфайли аҳоли бир қисмининг Афғонистонга ўтиб кетиши устига яна янги оми қўшни бекликлар ва Афғонистондан олиб келишнинг тўғри ташкил этилмаганлиги, чорва туёғининг озайиб(камайиб) кетиши ва хўжаликларнинг камбағаллашуви эди.

Деҳқонлар закот ва чорвадан олинадиган солиққа норозилик билдирдилар. 1868 йили Бухоро амири Музаффархонга (1855 – 1885) қарши Деновда йирик халқ ҳаракати бўлиб ўтди, натижада кўзғолон шафқатсизларча бостирилди³⁸. Турли хил солиқлар ҳаддан зиёд кучайиб, маҳаллий амалдорларнинг халққа жабру – зулми қилиши кучайиб боради. Шерабод беги Содикбекбий ва қози мулла Абдурахимнинг тан олишича, нарх-наво ниҳоят даражада юқори эди. 1 манн буғдой 18 танга, 1 қўй 12 танга баҳолангани, орадан бир ҳафта ўтиб 1 манн буғдой 26 танга, 1 қўй 21 танга нархи кўтарилганлиги тан олинган. Бухоро амирлиги Қушбеги маҳкамаси ҳужжатларидан Денов беклиги солиқ харажатлари ҳосил йиғимига нисбатан 15 фоиз юқори белгиланганлиги, Шерабод беклигида 5 манн буғдойдан 1 манн беклик фойдасига олиниб, ҳосилнинг 5 дан 1 қисми беклик хазинасига топширилгани, умумий харажатнинг 10 фоизи беклик манфаатларига йўналтирилгани, Амлакдорлар 4 ман ўрнига 8ман олганлиги натижасида халқнинг аҳволи ниҳоятда қашшоқлашиб қолгани таъкидланган³⁹.

³⁸ Турсунов С., Қобулов Э. Ва бошқ. Сурондарё тарихи. –Т.:Шарқ, 2004. –182б.

³⁹ Хакимова К., Кравец Л. Социально экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. –Ташкент, Фан1980. –145 с.

Денов ва Шеробод бекликларида Х1Х асрнинг 80-йилларидаги солиқ турлари Қушбеги хужжатларида алоҳида белгиланган бўлсада, солиқларга беклар томонидан маълум ўзгартиришлар келтирилган. Булар боғ солиғи, мева солиғи бўлиб, 1 танов ер 19 танга мифдорида белгилаб қўйилган. Шеробод туманида боғ ва чорбоғлардан олинадиган солиқ 1 танов ер учун 13 танга, 1 таноб беда учун 6 танга, 1 таноб полиз маҳсулотлари учун 12 танга қилиб белгиланган. Бироқ амлақдорлар ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, Қушбеги хужжатларига амал қилмасдан 1 таноб буғдойдан 26 танга, 1 таноб бедадан эса 12 танга солиқ олганлар. Солиқларнинг тури Х1Х асрнинг 50-80 йилларида ҳаддан зиёд кўпайиб, қўш пули, капсан солиғи каби солиқлар амалда бўлган. Ҳар бир ботмон ҳосил учун 1 минг пуд (32 фунт) ва чорак ҳисобидан солиқ олинган. Х1Х асрнинг 80-йилларида Шеробод беклигида ҳар 10 ботмон ҳосилдан 5 грабл буғдой (ер солиғининг бир тури экин экилишдан олдин олинган) солиғи олинган. 5 грабл буғдой (5 пуд буғдой) ҳар 10 ботмон буғдой ҳосилидан олинган. Энг ачинарлиси шуки, белгиланган солиқлар 10 баробар кўп солиқ олинганлиги ўша давр хужжат ва манбаларида тасдиқланган⁴⁰.

Бухоро амирлигининг шарқий бекликларида ва қишлоқларида Х1Х аср охирида даруғона, яъни маҳаллий беклик ва унинг атрофидаги амалдорлар учун йиғиб олинадиган солиқлар ҳисобидан закот олинган. Бу солиқ Шеробод беклигида 100 минг танга, Денов беклигида 75 минг танга, Шўрчида 50 минг танга ҳисобидан йиғиб олинган⁴¹. Шеробод, Бойсун ва Денов бекликларида Х1Х асрнинг иккинчи ярмида ўтин пули, камиш пули, сув пули, чўп пули, далол пули, мироб пули, амина пули каби турли хил солиқ турлари бўлган. Бундан ташқари сўйиш пули, яъни 1 қўй 20 танга, 2 эчки 28 танга ҳажмида белгиланган.

⁴⁰ Турсунов С., Қобулов Э. ва бошқ. Сурхондарё тарихи.—Т.:Шарқ,2004.—183б.

⁴¹ Қобулов Э. Сурхон воҳаси ҳўжалиги.—Тошкент, Академнашр.2012.—111б.

Шунингдек, маҳаллий бой оқсоқоллар меҳмон рамзи учун муштак солиғи – ҳар бир деҳқон олган ҳосилдан 1 чорак (2 кг) ҳосил солиғи берганлар.

Шарқий Бухоро бекликларида мактаб пули алоҳида ажратилиб, ота-оналар фарзандларининг ўқиши учун ўқитувчиларга Қушбеги хужжатлари асосида 15 – 20 танга тшлаши қайд этилган. Шеробод бегининг мактаблар бўйича бошлиғи мулла Мансур мактаб пулини ҳар ойга 20 танга ҳисобига белгилаган. Бу эса ўша даврда фақатгина амалдор бой ёки фақат оқсоқолларнинг болларини ўқитиш учун имконият яратган эди. Ўз навбатида бекликларнинг ижтимоий – иқтисодий ва ҳарбий мудофаа қобилиятларини мустаҳкамлаш учун турли хил солиқлар йиғиб олинган. Масалан, ариқ пули, тегирмон пули, майса пули, андоз пули ва ҳашар йиғими буларга мисол бўла олади. Шеробод беклиги муллasi Имомиддин амирга ёзган арзномасига Шеробод беги ва алмакдорлар халққа хаддан ташқари зулм ўтказётганлиги ва ҳашар ниҳоят даражада кўпайиб кетганлигини қайд этади. Солиқлар ичида харажат пули амирлик ва беклик ишларига жалб қилинган, яъни суғориш иншоотларини қайта таъмирлаш ишига 1 – 2 танга ҳисобида солиқ тўланган. Йўлларни таъмирлаш, сув қирғоқларини таъмирлаш учун 11 танга ҳисобида солиқ олинган. Бекликлар ҳар бир ҳовли йўлдан фойдаланганлиги, юк ташиганлиги, кўмир ёққанлиги, ун ташиганлиги ва бошқа хил ишлар учун белгиланган солиқлар тўлаб борган. 1885-1886 йилларда Шеробод бегининг қозиси мулла Имомиддин Бухоро амирига ёзган ҳисоботида Шеробод беги Содиқбек ўзининг ўғиллари ва ака-укаларига амлакдорлик мансабларини бўлиб бериб, боғларни ва экин майдонларини ўз ихтиёрига қолаётганлигини ёзган эди. Солиқлар ҳисобидан йиғилган мол – мулкни Содиқбек ўз ихтиёрига ўтказганлиги ҳодисалари ҳам ҳисоботида қайд этилган. Шунингдек, қози мулла Имомиддин ахборотида 4 манн буғдой солиғи ўрнига Шеробод беги Содиқбек мутлақо тап тортмасдан ўзбошимчаларча 8 ман буғдой

солиқ олишни қўллаётганлиги ҳам ўз аксини топган⁴². Бундан ташқари Қушбеги хужжатларида қайд этилган бошқа солиқ турлари ҳам белгиланганидан кўп олиниши ахборотда айтиб ўтилган эди. Ушбу арзномани тасдиқлайдиганлар: Дўстёр ҳожи, Неъмат оқсоқол, Муҳаммадкул, Беган оқсоқол, Абдурахмон, Саид Муҳаммадбой ва бошқалар. Ахборотноманинг натижалари Қушбеги назорат – текширув даврида солиқ олиш ва юритиш ишлари бузилганлиги, белгиланган ҳар бир таноб ердан олинадиган солиқ юқори бўлганлиги, амлақдорликлар томонидан халқни талаш кучайганлиги тасдиқланган.

Худди шу ҳолат Бойсун беклигида ҳам бўлиб, деҳқонлар турли хил оғир солиқларга тортилганлиги баъзи хужжатларда қайдани топган. Поён-Тоши раҳбарлигидаги 6 та деҳқон боқи пули, капсан ва бошқа солиқларнинг нотўғри олинганлигини асослаб берган. 1885 йил 10 октябрда Шеробод беклигидан тушган арзномада бек ва амлақдорларнинг халққа ўтказётган зулми, солиқнинг ҳаддан ташқари кўплиги тўғрисида фикр билдирилган эди. Бироқ амир ушбу арзномага жавоб бермагач, 1885 йил бошида деҳқонлар солиқ тўлашдан бош тортдилар. Деҳқонлар қўзғолонини қишлоқлардаги ўрта ва қўйи амлақдорлар ва ўзига тўқ деҳқонлар ҳам қўллаб – қувватлайди. 1887 йилда деҳқонлар солиқларнинг ниҳоятда кўплиги ва улар томонидан қилинган арзномалар бажарилмаганлиги туфайли уй-жойларини ташлаб кетадилар. 1885-1886 йилги деҳқонлар қўзғолони шафқатсизларча бостирилади, мол – мулки ва ерлари тортиб олинган деҳқонлар ўз жойларини ташлаб кетишни янада кучайтирадилар. Масалан, Шеробод беклигидаги кўплаб деҳқонлар Сурхондарёнинг қуйи оқимидаги Солиҳобод ҳудудига кўчиб келади. 20 деҳқон хўжалиги эса Сурхондарё қуйи оқимининг чап қирғоғидаги Янгиариқ ҳудудига келиб

⁴² Турсунов С., Қобулов Э. ва бошқ. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. – 185б.

жойлашади⁴³. 1892 йил Жарқўрғон ҳудудидаги деҳқонларнинг аксарият кўпчилиги Қабадиён ҳудудига умуман кўчиб кетади.

Шеробод беклигидаги кўзғолоннинг келиб чиқишига сабаб, солиқларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги эди. 1895 йил 31 октябрда Шеробод беклигининг тоғли Даҳпаракент қишлоғида тоғликлар солиқ тўлашдан бош тортиб, Бухоро амирига ўз арзномаларини жўнатадилар. Деҳқонлар томонидан ёзилганушбу арзномани қуйи табақадаги амалдорлар кўллаб-қувватлаб, амлакдорларнинг, хўжайинларнинг ноинсофлигини қайд этган эди. Деҳқонларнинг солиқ тўлашдан бош тортганлигини билган бек солиқларидан олинаётган ҳақни пасайтиришга ваъда беради. Бироқ орадан маълум вақт ўтгач, бек ва унинг амалдорлари яна солиқни тўламайдилар. Деҳқонларнинг арзномасини ўрганиш учун Бухородан амирнинг махсус вакили Бобожон яссовул Шерободга келади. Шеробод беклигининг вакили Абдужалил парвоначи Бухородан келган вакил билан келишган ҳолда Шерободдаги деҳқонларнинг ҳақиқий аҳволини амирга хабар қилмайди. Улар Шеробод беги ва қозиси томонидан олиб борилган ишлар ва унинг натижасини қайд этган ҳисоботларини тўғри деб топганлар. Бек ва қозиларнинг амир номига ёзган тушунтириш хатларида деҳқонлардан олинган солиқлар белгиланган қонуний кўрсатма асосида бажарилмаганлиги таъкидлаган⁴⁴.

Шундан кейин деҳқонлар амирга 6 кишидан иборат гуруҳ томонидан арзнома жўнатадилар. Улар амирнинг вакили Бобожон яссовул Шеробод беги ва амлакдорлар билан келишган ҳолда деҳқонларнинг арзномасига қулоқ солмаганлиги, солиқларни қайта кўриб чиқмаганлиги таъкидланган эди. Деҳқонларнинг арзномаси асосида ўтказилган иккинчи текширишда бек ва қози томонидан йўл қўйилган хато камчиликлар, амлакдорларнинг деҳқонларни

⁴³ Қобулов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги.—Тошкент, Академнашр. 2012.—107б.

⁴⁴ Хакимова К., Кравец Л. Социально экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане.—Ташкент, Фан1980.—145 с.

солиқ тўлашга мажбур қилган ғайриқонуний ҳаракатлари аниқланиб, ўз тасдиғини топади. Шеробод беги ва қозиси амирга ёзган хатида мулла Нурали оқсоқол ва унинг атрофидаги аризачи деҳқонлар аҳоли ўртасида махсус исён уюштиришга ҳаракат қилаётганлиги, бу эса амир ҳокимиятига хавфли эканлиги таъкидланади. Натижада арзнома ёзганларнинг бир қисми қамоққа олинади, бундан фойдаланган маҳаллий амлакдорлар деҳқонларни солиқ тўлашга мажбур қилиб, уларни мажбурий ишларга жалб қила бошлайди. Бухоро амири Музаффархон даврида деҳқонлар томонидан қилинган арзномалар кўп ҳолатда эътиборсиз қолар эди.

Амлакдорларнинг виждонсизларча нотўғри, ортиқча солиқлар олиши, халқнинг тинка-мадорини қуритиши натижасида амирга арзномалар ёзиш кўпайиб боради. Бухоро амири деҳқонларнинг илтимосига биноан Саидназарбек қороқулбегини Деновга текшириш учун жўнатади. Саидназарбек билан биргаликда мулла Имомиддин ҳам тафтиш ишларини олиб боради. Назоратчилар Денов беклигининг Қизил шоҳ, Ҳайрабод ва бошқа қатор қишлоқларидаги аҳволини текширишади. Мулла Имомиддиннинг амир номига ёзган ҳисоботида 1000 дан ортиқроқ арбоб, оқсоқоллар ва деҳқонлардан сўров олганлиги, халқ ҳаддан ташқари қашшоқлашиб, оғир аҳволда қолганлиги, амирлик томонидан тасдиқланган солиқ ҳужжатларига амал қилинмаганлиги қайд этилади⁴⁵. Оммавий деҳқонлар ҳаракатига араблар, оқсоқоллар ҳам иштирок этадилар, бунинг асосий сабаби қуйи табақадаги амалдорлар ҳам солиқдан ниҳоят даражада норози эдилар.

Ҳисоботида деҳқонлар ҳар бир қўш ҳайдаладиган ер учун 22 танга қўш пули тўлаётганлиги, Деновда бир йилда бир неча марта солиқ олинганлиги қайд этилади. Мулла Имомиддин ҳар бир манн буғдойдан 40 фунд солиқ

⁴⁵ Хакимова К., Кравец Л. Социально экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане.-Ташкент,Фан1980.-148с.

олинганлиги, бу эса белгиланган солиқдан 15 баробар кўп Имомиддин амирга ёзган ҳисоботида ҳақиқатдан ҳам амлақдорлар камбағал аҳолини виждонсизларча талаганлиги, 50-60 вёрст энг яхши ҳосилдор ерлар экилмай қолаётганлиги, оғир солиқдан қийналган аҳоли ўз яшаш жойларини ва қишлоқларини ташлаб шаҳарга кетаётганлигини исботлаб беради. Натижада деҳқонлар кўзғолони ва норозилигининг олдини олиш мақсадида солиқ нормаларининг амирнинг Қушбеги ҳужжатларидан қайд этилган қонуний ҳолда олинишига кўрсатма берилади. Кўзғолон кўтарган деҳқонларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, солиқ билан шуғулланувчи махсус назоратчилар иш олиб борадиган бўлади. Қози мулла Имомиддин ва Саидназарбек қоровулбеги камбағал аҳолини тўлиқ тинчитиш мақсадида айбдор бўлган амлақдорларни вазифасидан озод қилиш масаласини Бухоро амирига ёзма тақдим қилади. Унда Денов беги Олмосбий амлақдорларни ишдан озод қилиб, уларнинг ўрнига виждонли, тоза деҳқонлардан тайинланса, деҳқонларнинг норозилигини бостириш мумкинлиги тўғри деб топилади. Амирдан олинган жавоб хатига мувофиқ айбдор амалдорлар ишдан олиниб, ўрнига виждонли деҳқонлар қўйилади. Деҳқонлар кўзғолон кўтариш натижасида маълум ютукка эришдилар, солиқлар тартибга келтирилиб, деҳқонлар манфаати ҳимоя қилинди.

Денов беклигида XIX асрнинг 80 – йилларида бўлган деҳқонлар кўзғолони Эрназар полвон исмли шахс раҳбарлигида бўлиб ўтди⁴⁶. Кўзғолонга Денов беги Абдурахмонбекдан норози бўлган деҳқонларнинг ҳаракатини бостириш учун қуролланган отряд юборганлиги асосий сабаб бўлган. Натижада деҳқонлар билан сарбозлар ўртасида қуролли тўқнашув бўлади, бек қўшинлари мағлубиятга учрайди. Эрназар полвон раҳбарлигидаги кўзғолончи деҳқонлар Денов қалъасини беш кун қўлда ушлаб турадилар. Натижада Бухоро амири Музаффархон Денов кўзғолонини бостириш учун йирик ҳарбий кучларни

⁴⁶ Турсунов С., Қобулов Э. ва бошқ. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. – 188б

юбориб, шаҳарни қуршаб олади. Амир қўшини сотқинлар туфайли қалъага киришга муваффақ бўлади ва қўзғолончиларни шафқатсизларча, аёвсиз равишда жазолайди.

Туркистон ҳарбий округи Бухоро амирлиги билан келишган ҳолда XIX асрнинг 90 – йилларидан бошлаб ҳарбий – стратегик аҳамиятга эга бўлган типографик ишларни бошлаб юборади. Денов беклигида Кирхгоер раҳбарлигида типографик ишлар (яъни жой номлари чегараларини аниқловчи бекликнинг ҳудудий жойлашув харитаси) олиб борилди. Денов беклигида деҳқонлар бу ишларни чор ҳукумати амалга оширмоқда, Россия гўёки Деновни истило қилади, деб тушунадилар. Улар ўтказилаётган типографик ишлар туфайли Россия чоризми ерларни тортиб олади, хқжаликларни вайрон қилади ва деҳқонларнинг хонавайрон бўлишига олиб келади, деб ўйлайдилар. Қўзғолон 1898 йил 18 майда Чут-Чоғлиқ қишлоғида бошланиб, таёқ-тош билан қуролланган деҳқонлар типограф ходим ва 2 та казакни қишлоқдан қувиб юборадилар. Бу қўзғолон ҳаракати бошқа қишлоқларга ҳам тарқалиб, оммавий тус олади. Денов беклигида 20 майда Шайтон қишлоғида, 21 майда Толли қишлоғида 30 нафар деҳқонлар типограф ва казакларга қарши қуролли уруш бошлайдилар. Натижада чор Россия вакиллари Денов беклигини ташлаб чиқишга мажбур бўлдилар⁴⁷.

1901 йили Деновда бўлган қўзғолоннинг овозаси ҳатто Тошкент ва Петербурггача етиб боради. Бу хил деҳқонлар ҳаракати Шеробод, Мўминобод, Ҳисор, Кўлобда ҳам бўлиб ўтади. Қўзғолонлар шавқатсизларча бостирилиб, қўзғолончилардан 82 киши Дарбанд қоясида осиб ўлдирилди⁴⁸.

XIX аср охирида Денов, Бойсун ва Шеробод бекликларида кўтарилган деҳқонларнинг ҳалаёнлари стихияли тарзда амалга оширилган бўлишига қарамасдан, амирликни солиқ сиёсатида маълум ўзгаришлар қилишга мажбур

⁴⁷ Турсунов С., Қобулов Э. ва бошқ. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. – 189б

⁴⁸ Турсунов С., Қобулов Э. ва бошқ. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. – 189б

этган эди. Қолаверса, Сурхон воҳасини ўзига таъсир доирасига ўтказишга уринаётган Туркистон генерал – губернаторлиги маъмурлари ҳам халқнинг миллий – озодлик ҳаракати тўлқинидан кўрқиб, бироз бўлсада, ўйлаброқ иш тутишга мажбур бўлган эди. Умуман Сурхон воҳасида жойлашган бекликлар Бухоро амирлигида ниҳоятда муҳим иқтисодий ва стратегик аҳамият касб қилар эди. Шу сабабли ҳам чор Россияси ушбу ҳудудларда ўз таъсирини ўтказишга, Термизда таянч истеҳком барпо этишга тинимсиз тарзда уриниб келди.

Туркистон ҳарбий округи Бухоро амирлиги маъмурияти билан бирга 90-йилларда ҳарбий – стратегик ва мустамлакачилик аҳамиятига эга бўлган топографик ишларни амалга оширди. Денов беклигида топографик ишларни амалга оширди. Денов беклигида топографик ишлар Кирхгор раҳбарлигида амалга оширилди – ки, унинг ихтиёрида бир неча ўн қуролли казаклар ва Бухоро амрининг вакиллари бор эди. Денов деҳқонлари чор ҳукумати томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирнинг ҳақиқий мазмун-мақсадини пайқаб қолдилар. Улар тушуниб етдиларки, топографлар гуруҳининг фаолияти охир-оқибатда ерларнинг босиб олинишига ва хўжаликларнинг хонавайрон бўлишига олиб келиши мумкин. Деҳқонларнинг ғалаёни 1898 йил 18 майда Чут-Чоғлик қишлоғида боғланди. Аёллар оломони ва ўсмирлар таёқ ва тошлар билан қуролланиб топографларга ва уларни кузатиб урувчи икки қуролли казаклар устига ташландилар ва уларни бу жойдан қувиб чиқдилар. Бу воқеа қақидаги хабар яшин тезлигида Денов вилояти бошқа қишлоқларига ҳам тарқалди. 20 майда деҳқонлар Шайтон қишлоғида казакларни калтакладилар, 21-майда эса Толли қишлоғи аҳолиси таёқ, қамичлар билан қуролланиб 30 киши топографлар ва казаклар устига ҳужум қилиб, уларни ўз жойлариниташлаб кетишга мажбур қилдилар. Паттакесардан (Термиздан) қўзгалган оломонни тинчлантириш учун қуролли отряд чақирилди. Шавқатсиз қийноқларда сўнг бу норозилик чиқишининг фаол қатнашчилари қатил қилинади, Денов беклигида яна анча

вақтгача қонли террор давом этди. Юқорида тафсилотлари баён қилинган воқеалар ва уларнинг якунидан шундай хулоса чиқариш мумкин-ки, биринчидан деҳқонлар чиқишига оқилона раҳбарлик йўқ, иккинчидан, кўзғалончиларнинг аниқ ҳаракат режаси йўқ, учинчидан улар яхши уйишмаган, тўртинчидан кўзғалончилар ёмон қуроллангани (тайоқ, кетмон, қамчи, паншоха ва ҳ.к.) эди-ки, буларнинг ҳаммаси бир бўлиб норозилик чиқишларининг мағлуб этилишига сабаб бўлди.

Денов ва Шеробод бекликларидаги халқ ғалаёнлари. XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг Денов ва Шеробод беклик (1885-1886)ларида йирик деҳқонлар кўзғолони бўлади. Деҳқонлар закот ва чорвадан олинadиган солиққа норозилик билдирадilar. 1868 йили Бухоро амири Музаффархонга (1855-1885) қарши Деновда йирик халқ ҳаракати бўлиб ўтади, натижада кўзғолон шафқатсизларча бостирилади. Турли хил солиқлар ҳаддан зиёд кучайиб, маҳаллий амалдорларнинг халққа жабр зулм қилиши кучайиб боради. Шеробод беги Содикбекбий ва қози мулла Абдурахимнинг тан олишича, нарх наво ниҳоят даражада юқори эди. 1 манн буғдой 18 танга, 1 қўй 12 танга баҳолангани, орадан бир ҳафта ўтиб 1 манн буғдой 26 тангага, 1 қўй 21 тангага нархи кўтарилганлиги тан олинган⁴⁹. Бухоро амирлиги қушбеги маҳкамаси ҳужжатларида Денов беклиги солиқ харажатлари ҳосил йиғимига нисбатан 15 фоиз юқори белгиланганлиги, Шеробод беклигида 5 манн буғдойдан 1 манн беклик фойдасига олиниб, ҳосилнинг 5 дан 1 қисми беклик хазинасига топширилгани, умумий харажатнинг 10 фоизи беклик манфаатларига йўналтирилгани натижасида халқнинг аҳволи ниҳоятда қашшоқлашиб қолгани таъкидланган.

⁴⁹ Турсунов С., Қобулов Э. ва бошқ. Сурхондарё тарихи. –Т.: Шарқ, 2004. –189б

Денов ва Шеробод бекликларида XIX асрнинг 80 йилларидаги солиқ турлари қушбеги ҳужжатларида алоҳида белгиланган бўлсада, солиқа беклар томонидан маълум ўзгартишлар киритилган. Булар боғ солиғи, мева солиғи бўлиб, 1 таноб ер 18 танга миқдорида белгилаб қўйилган. Шеробод туманида боғ ва чорбоғлардан олинадиган солиқ 1 таноб ер учун 13 танга, 1 таноб беда учун 6 танга, 1 таноб полиз маҳсулотлари учун 12 танга қилиб белгиланган. Бироқ амлақдорлар ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, қушбеги ҳужжатларига амал қилмасдан 1 таноб боғдан 26 танга, 1 таноб бедадан эса 12 танга солиқ олганлар. Солиқларнинг тури XIX асрнинг 50 80 йилларида ҳаддан зиёд кўпайиб, қўш пули, капсан солиғи каби солиқлар амадда бўлган. ҳар бир ботмон ҳосил учун 1 минг пуд (32 фунт) ва чорак ҳисобидан солиқ олинган. XIX асрнинг 80 йилларида Шеробод беклигида ҳар 10 ботмон ҳосилдан 5 грабл буғдой (ер солиғининг бир тури экин экилишдан олдин олинган) солиғи олинган. 5 грабл буғдой (5 пуд буғдой) ҳар 10 ботмон буғдой ҳосилидан олинган. Энг ачинарлиси шуки, белгиланган солиқдан 10 баробар кўп солиқ олинганлиги ўша давр ҳужжат ва манбаларида тасдиқланган.

Хулоса, жабр-зулм, тўхтовсиз равишда солиқлар сони ва миқдорининг ошиб бориши халқ чиқишларига олиб келди.

Хулоса

Бухоро амирлиги Ўрта Осиёдаги энг катта хонлик бўлиб, унинг тарихи кўплаб татқиқотчиларни ўзига жалб қилган ва унга келган олимлар, ҳарбийлар кўплаб асарлар яратганлар. Аммо тарих шундай бир уммонки, уни қанчалик чуқур ўрганиб боргангиз сари, ҳали билмаган, очилмаган қирралар намоён бўла боради. Ҳақиқатан ҳам Бухоро амирлигининг сисий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий ҳаёти тўғрисида қатор илмий, оммабоп асарлар ёзилган, илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Лекин, афсуслар бўлсинки биз татқиқ қилаётган даврни ўрганиш мустақиллик даврига келиб бошланди десак муболаға бўлмайди. Шарқий Бухоро бекликлари, жумладан Сурхон воҳасида миллий озодлик ҳаракати тарихи билан шуғулланиш борасида илк қадамлар ташланди. Мавзунини татқиқ қилиш жараёнида қуйидаги хулосага келинди:

- Бухоро амирлигининг Шарқий ҳудудлари таркибида бўлган Сурхон воҳаси ҳудудларини эгаллаган Чор Россияси икки мақсадни кўзлаб фаолият юритгани аён бўлди. Биринчидан, авваломбор Россия саноатининг пахта бўлган талабини қондириш; иккинчидан рус саноати маҳсулотлари учун бозорни шакллантириш; учинчидан, Шарқ давлатлари билан бўладиган савдода муҳим стратегик нуқтани юзага келтириш.
- Воҳа қишлоқ хўжалигининг Россия бозорига тортилиши, пахта монокультурасининг етакчи тармоққа айланиши, деҳқонлар оммасининг хонавайрон бўлишига ва унинг табақаланишига олиб келди. Пахта маҳсулотлари харид билан шуғулланадиган “янги тадбиркорлар” синфини шакллантирди.
- Айнан мавзу татқиқ қилган даврда солиқлар сони ва миқдорининг ошиб бориши кузатилади. Ўз навбатида солиқлар натура кўринишида эмас, балки пул билан ўланадиган бўлиши, деҳқонларни бозорга тортгани ҳолда баъзи бир қийинчиликни юзага келтирдикки бу ишда ўз аксини

топди.

- Тарихга мурожаат қилар эканмиз, манбалар таҳлили шуни кўрсатадики Бухоро амирлигининг Зарафшон воҳаси ва Сурхон воҳасига нисбатан олиб борган солиқ сиёсатида икки хил манзарани кўриш мумкин. Солиқ ва миллий зулм воҳада йирик чиқишларига олиб келган омил эканлиги ишда ўз аксини топди.
- Хулоса қилганимизда Сурхон воҳаси аҳолиси миллий , иқтисодий жабр зулм қарши кураш олиб боргани тарихий фактларорқали асосланди.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.—Т.: Ўзбекистон, 1999.—Б.10
2. Каримов И.А. Жайхун соҳитлидаги боқий шаҳар // Халқ сўзи. 2002. 3 март.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. — Тошкент: Маънавият, 2008.-176 б
4. Ананьев А.Г. Шеробод воҳаси ерларини Сурхон сувлари ёрдамида суғориш лойиҳаси.-Тошкент: Шарқ, 2002.-32 б.
5. Логофет Д.Н. Сирана бесправия (Бухарское ханство и его современное состояние)-СПБ., 1909.-239
6. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом России. Т.П.-СПБ.,1911.-218 б
7. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом России. Т.П.-СПБ.,1911.-340 б
8. Логофет Д.Н. В горах и на равнинах Бухары.-СПБ., 1913.-619 с.
9. Логофет Д.И. Орошение Термеза // Туркестанский сборник. Т. 497. —С.172-175
- 10.Маев Н. Географический очерк Гиссарского края и Кулябского бекства// Известия ИРГО. Т. XII.- Ташкент, 1876.-с.1-15.
- 11.Маев Н. Очерки горных бекств Бухарского ханства // Туркестанский ведомости. 1878. №49. 12 декабрь.-С. 194-195; № 51. 28 декабрь.-С 202-203.
- 12.Маев Н. Очерки Бухарского ханства // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. V-СПБ., 1879. - 400 с
- 13.Маев Н. Долина Сурхана// Туркестанские ведомости. 1879. № 36-С. 18-26.
- 14.Масальский В.И. Хлопковое дело в Средней Азии и его будущее. —СПБ. 1892.- 287 с.

15. Абдурахмонова Н. Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими.-
Тошкент: Академия, 2002. – 240-б
16. Аминов А. Бабаходжаев А. Экономические и политические последствия
присоединения Средней Азии к России. – Ташкент: Ўзбекистон, 1966.-210 с
17. Ананьев Т. Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавхалар. –Тошкент:
Мерос, 1997.-107 б
18. Ахмаджонов У.А. Россия империяси Марказий Осиёда.-Тошкент:, 2003.-
270 б.
19. Авазов Ю.У. Шарқий Бухоро бекликларида солиқ тизими // Жамият ва
бошқарув. 2004. №3.-Б.58-59
20. Азимов М. Термиз тарихи. –Термиз, 2001.-193 .
21. Даминова З. Шеробод концессияси: хусусиятлари ва сабоқлари //
Ижтимоий фикр. 2003. №2.-Б. 43-46
22. Даминова З. Россия империяси маъмурларининг Термиз шаҳрида юритган
миллий сиёсати тарихидан // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар.
Тарих ва ҳозирги замон. Тез. Док. –Тошкент. 2003. –Б. 108-111.
23. Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в.
Ч.1.-Душанбе. 1962.-355 с
24. Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине. XIX в.
Ч.II.-Душанбе. 1963. -351 с
25. Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей
Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1968. – 227 с.
26. Раззоқов А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон,
1994.-220 б
27. Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. –Тошкент, 1996. 115 б.
28. Рўзиев А. Ва бошқ. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуини
ривожлантириш.-Тошкент. 1997. -114 б.

- 29.Турсунов С.Н. Шерободликлар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2007. – 386 б
- 30.Турсунов С.Н. Тўхтаев А. Жарқўрғон. –Тошкент: Фан., 2008. – 303 б
- 31.Турсунов С.Н. Турдиев Т. Денов. –Тошкент: Фан, 2009. 495 б
- 32.Турсунов С.Н. Рашидов Қ. Бойсун. – Тошкент: Академнашр. 2011. 560 б
- 33.Тўхтаметов Т.Г. Русско – Бухарские отношения в конце XIX – начале XX вв.-Ташкент: Фан, 1966. – 177 с
- 34.Тўхтаметов Т.Г. Экономическое состояние Бухарского эмирата в конце XX вв//. Тр.ИИ. Кирг ССР. –Фрунзе. 1957. с.151-183
- 35.Фомченко А.П. Русские поселения в Бухарском эмирате. – Ташкент: Уздавнашр. 1958. – 78 с
- 36.Хакимова К.З. Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. –Ташкент: Фан. 1980. - 175 с
- 37.Хакимова К.З. Крестьянство Бухарского эмирата в конце XIX –начале XX вв. –Ташкент: Фан, 1991. – 114 с
- 38.Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии. М.:Наука,. 1974. – 406 с.
39. Холиқов Р. Россия – Бухоро: тарих чорраҳасида. Тошкент: Ўқитувчи. 2005.- 240 б
- 40.Қобилов Э. Сурхондарё саноатининг илк одимлари.- Тошкент: Жайхун. 1993.- Б.30.
- 41.Қобилов Э. Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи.-Термиз: Жайхун, 1996. –Б.85.
- 42.Қобилов Э. Маевнинг “Материалы для статистики Туркестанского края» асари Сурхон воҳаси тарихини ўрганишда муҳим манба// Тарихий манбашунослик муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент. 2008. –Б 207-209.

- 43.Қобилов Э. Кориз // Жаннатмакон. 2008, август.- Б.39-40
- 44.Қобилов Э. Сурхон воҳаси лалми ерлари // Жамият ва бошқарув. 2009. №3.
– Б.127-128
- 45.Э.Қобилов. Россия ташқи муносабатларида Сурхон воҳасининг стратегик
ўрни // “Насаф ва Кеш тарихи манбаларда” мавзуидаги республика илмий-
назарий конференция материаллари. – Қарши. 2010.-Б.190-191.
46. Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки.-Ташкент: Фан. 1964. – 195 с.
- 47.Юферев В.И. Хлопководство в Туркестане.- Л.: Госиздат. 1925. – 138 с

